



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 3 » avgust

№ 488

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг функционал бўлимлари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 июнданги ПҚ-5143-сон ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида” 2021 йил 14 июнданги 370-сон қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг Назорат ва ижро интизоми бўлими тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг Умумий бўлими тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўлими тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўлими тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 5-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчиси Р.В. Абдуқодиров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 3 августдаги 488-сон қарорига
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
аппаратининг Назорат ва ижро интизоми бўлими тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг Назорат ва ижро интизоми бўлими (кейинги ўринларда – Бўлим) Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари ҳамда Президент Администрацияси топшириқлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (кейинги ўринларда - Вазирлар Маҳкамаси) ва унинг Раёсати қарорлари ва топшириқларининг Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ўз вақтида ижро этилиши ва Вазирлар Маҳкамаси аппаратида, давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида ижро ижро интизомига риоя этилиши юзасидан назоратни ташкил этишни таъминловчи Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг функционал таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Низомга амал қиласди.

3. Бўлим ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири раҳбарлигига амалга оширади.

Бўлим Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчисига бўйсунади.

4. Бўлим ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

2-боб. Бўлимнинг вазифалари ва функциялари

5. Куйидагилар Бўлимнинг асосий вазифалари хисобланади:

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари ҳамда унинг Администрацияси топшириқлари, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Раёсати қарорлари ва топшириқлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг топшириқлари Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ўз вақтида ижро этилиши юзасидан назоратни ташкил этишни таъминлаш;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмаларида, давлат ва хўжалик бошқаруви органларида ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида ижро интизомини мустаҳкамлаш;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясини ташкил этиш тўғрисида” 2018 йил 26 августдаги ПФ-5519-сон, “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармонлари, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон, “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарорлари, “Ижро интизоми ягона идоралараро электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 9 августдаги Ф-5017-сон фармойиши ва Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарори талабларига риоя этилишини таъминлаш;

электрон иш юритиш ва ҳужжатлар айланиш тизими асосида ҳужжатлар ва топшириқларнинг ўз вақтида ижро этилишини ҳисобга олиш, уларнинг айланиши, таҳлил ва назорат қилиниши ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилишини таъминлаш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари, Хукумат қарорлари ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлар ижроси мониторингини ташкил этиш;

ҳужжатлар ва топшириқларнинг ўз вақтида ижро этилишини ҳисобга олиш, уларнинг айланиши, таҳлил ва назорат қилиниши ягона тизимининг ишлаш сифатини оширишга йўналтирилган ахборот-коммуникация тизимларини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмаларида ҳужжатлар ва топшириқлар ижросининг назоратини ташкил этишга методик раҳбарлик қилиш;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг барча таркибий бўлинмаларида ижро интизомининг ҳолатини ўрганиш, ушбу соҳада ишларни мувофиқлаштириш, мавжуд камчиликларни бартараф этишда зарур ёрдам кўрсатиш, улар тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини, унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчиларини, Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчисини ва таркибий бўлинмалар раҳбарларини хабардор қилиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига электрон иш юритиш ва ҳужжатлар айланиш тизимини жорий этиш асосида ҳужжатлар ва топшириқларнинг бажарилишини рўйхатга олиш, ҳисобга олиш, уларнинг айланиши, таҳлил ва назорат қилиниши ягона тизимини такомиллаштириш масалаларида методик ёрдам кўрсатиш, назоратдаги ҳужжатлар ва топшириқлар бўйича эслатмаларни шакллантиришнинг ягона тизимини жорий этиш, шунингдек, уларни раҳбарият олдида муҳокама қилиш учун бажарилиши тўғрисида ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлаш;

назоратдаги бажарилмаган ҳужжатлар ва топшириқлар бўйича эслатмаларни ҳар ҳафта Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмаларига юбориш.

6. Бўлим ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуидаги функцияларни амалга оширади:

“Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган асосий принципни ўз вақтида, аниқ ва тўлиқ ҳажмда амалга оширишни таъминлайди;

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ҳужжатлари, парламент ва депутатлик сўровлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириклари вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқаруви бошқа органлари томонидан ижро этилиши мониторингини олиб боради;

2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий ислоҳотлар концепцияси, ўрта муддатли ва узоқ истиқболда ривожлантиришнинг тармоқ ва ҳудудий дастурлари ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши устидан назорат қилинишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасидан келиб чиқадиган тегишли йилга мўлжалланган давлат дастури амалга оширилиши тўғрисида кейинчалик Олий Мажлис палаталарига тақдим этиш учун ҳисоботлар тайёрлаш жараёни мониторингини олиб боради;

кадрлар танлаш тизимини такомиллаштиради, кадрлар малакасини ошириш ва кадрларнинг амалдаги захирасини тайёрлашнинг самарали усуллари ва шаклларини жорий этади;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириклари ҳамда Президент Администрацияси топшириклари, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати қарорлари ва топшириклари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг топшириклари Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари томонидан ўз вақтида бажарилиши бўйича ишларни ташкил этади;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида ижро интизомини кучайтириш чораларини кўради;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясини ташкил этиш тўғрисида” 2018 йил 26 августдаги ПФ–5519-сон, “Конунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон Фармонларига, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириклари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат

ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон, “*Ijro.gov.uz*” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарорларига, “Ижро интизоми ягона идоралараро электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 9 августдаги Ф-5017-сон фармойишига ва Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси аппаратида хужжатлар ва топшириклар ўз вақтида ижро этилиши ва ижро интизомини мустаҳкамлаш ишларини мувофиқлаштиради;

хужжатлар ва топшириклар автоматлаштирилган назоратга қўйилишини, уларнинг бажарилиши кузатиб борилишини, огоҳлантирувчи назоратни, ижро интизомининг якунларини чиқаришни таъминловчи электрон иш юритиш ва хужжатлар айланиш ягона тизимиning маълумотлар базасини юритади;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг котибиятига ва Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчисига ижро интизомининг жорий (ҳар кунлик), ҳар ҳафталик ва ҳар ойлик таҳлилини тақдим этади;

ижро интизоми масалалари бўйича, шу жумладан, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этивчи ҳокимият органлари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжатлари, Ҳукумат қарорлари ва бошқа норматив-хуқуқий хужжатлар ижроси мониторинги натижалари тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисларида кўриб чиқиш учун таҳлилий, маълумотнома ва бошқа материалларни киритади, улар бўйича Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринbosарлари ва маслаҳатчилари топшириклари лойиҳаларини тайёрлайди;

назорат самарадорлигини ошириш, шунингдек, замонавий ахборот технологияларини жорий этиш асосида хужжатлар ва топшириклар бажарилишини ҳисобга олиш, уларнинг айланиши, таҳлил ва назорат қилиниши ягона тизимини такомиллаштириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқади ва Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига ҳамда Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчисига киритади;

огоҳлантирувчи назоратни ташкил қиласди. Ушбу мақсадларда ҳар ҳафтада навбатдаги ҳафтада ишлари тугалланиши лозим бўлган хужжатлар тўғрисидаги маълумотнома-эслатмаларни шакллантиради ва Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари раҳбарларига юборади. Ҳар ойда навбатдаги ой мобайнида ишлари тутатилиши лозим бўлган

хужжатлар тўғрисидаги эслатмаларни шакллантиради, Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчисига ахборот беради ва таркибий бўлинмалар раҳбарларига юборади;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчисига Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида ижро интизомининг ҳолатини ўрганиш натижалари тўғрисида ахборот беради, унинг топшириғига мувофиқ аниқланган камчиликлар ва қоида бузилишларини бартараф этиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари лойиҳаларини тайёрлайди;

“Ijro.gov.uz” тизимида қонунчилик хужжатлари ва топшириқлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тасдиқланган топшириғи ёки назорат режалари асосида Вазирлар Маҳкамаси аппаратидан масъул ижрочи ҳамда вазирлик ва идораларни белгилайди ва назоратга олади;

Вазирлар Маҳкамаси бевосита масъул бўлган қонунчилик хужжатлари ва топшириқлар бўйича Вазирлар Маҳкамаси Назорат ва ижро интизоми бўлими Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тасдиқланган топшириғи ёки назорат режалар асосида Вазирлар Маҳкамаси аппаратидан масъул ижрочи ҳамда вазирлик ва идораларни «Ijro.gov.uz» тизимида белгилайди ва назоратга олади;

“Ijro.gov.uz” тизимида ҳар ҳафтанинг чоршанба ва жума кунлари топшириқлар ижросини таҳлил қилиб боради ҳамда муддати кечиктирилаётган хужжатлар бўйича Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчисига ахборот киритиб боради;

Адлия вазирлиги томонидан “Ijro.gov.uz” тизимида қонунчилик хужжатлари ва топшириқларнинг ижро ҳолати бўйича таҳлилий материалларни ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг бешинчи санасига қадар Вазирлар Маҳкамасига киритилишини назорат қиласи;

таҳлилий материалларни ҳар ойнинг 7-санасига қадар таҳлил қиласи ҳамда бажарилмаган бандлар бўйича таҳлилий жадвал билан бирга Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчининг топшириқ ҳати асосида пухта таҳлил қилиш учун масъул таркибий бўлинмаларга юборади;

таркибий бўлинмалар томонидан такдим этилган таҳлилий материалларни пухта қайта ишлайди ҳамда умумлаштирилган якуний таҳлилий материаллар тўплами, қонунчилик хужжатлари ва топшириқлар ижроси ҳолати юзасидан Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлиси материалларини ҳар ойнинг 12-санасига қадар Вазирлар

Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг хукуқий экспертиза масалалари бўйича ўринбосари хузурида, ҳар ойнинг 13-санасига қадар Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчиси хузурида ҳимоя қиласди;

масъул таркибий бўлинмалар билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати мажлисини ташкил этади ҳамда якунлари бўйича хужжатлар тўпламини Вазирлар Маҳкамаси Раёсати аъзолари томонидан билдирилган таклифлардан келиб чиқиб, бир кун муддатда пухта қайта ишлайди;

Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг мажлиси баёни пухта қайта ишлангандан сўнг қонунчилик хужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича таҳлилий маълумотнома ҳамда жадвал билан бирга Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчиси хузурида ҳимоя қилинган ҳолда, бир кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига юборади;

Хукумат тизимидағи давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар бўйича қонунчилик хужжатлари ва топшириқларнинг ижро муддатларини узайтириш хақидаги Адлия вазирлиги томонидан кўриб чиқилган таклифларни беш кун муддатда таҳлил қиласди ҳамда асосли деб топилган тақдирда тегишли таклифни Ҳисоб палатасига “Ijro.gov.uz” тизими орқали киритади;

ҳар чорақдаги мажлисларда кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш учун ўтган чорақдаги ижро интизомининг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни ижрошилар бўйича уларнинг масъулиятини ошириш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиш учун тайёрлайди ва Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари раҳбарларига беради;

Вазирлар Маҳкамаси аппарати таркибий бўлинмалари мутахассислари томонидан тақдим этиладиган топшириқлар ижроси тўғрисидаги хужжатлар асосида уларни назоратдан чиқариш ишларини амалга оширади;

Вазирлар Маҳкамаси Раёсати томонидан Бўлимнинг тасдиқланган ярим йиллик иш режаси бўйича мунтазам равишда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида ижро интизоми назорати ташкил этилиши ва унинг ҳолатини ўрганади, уларнинг натижалари бўйича электрон иш юритиш ва ҳужжатлар айланиш тизимини жорий этиш асосида ижрони рўйхатга олиш, ҳисобга олиш, уларнинг айланиши, таҳлил ва назорат қилиниши ягона тизимини тақомиллаштириш масалаларида методик ва амалий ёрдам кўрсатади;

қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириклари ҳамда Президент Администрацияси топшириклари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати қарорлари ва топшириклари юзасидан назорат режаларни (чора-тадбирлар режалари) ўз вақтида ишлаб чиқилишини назорат қиласи ва тизимли ҳисобини юритади;

давлат органлари ва ташкилотларининг ижро интизомига масъул таркибий бўлинмалари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодлар хужжатларини бир кун муддатда ўрганиб чиқади ҳамда номзодлар хужжатлари ва тайёрланган шахсий рефератлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг Кадрлар бўлимига хulosса беради;

Бўлим мудири давлат органлари ва ташкилотларининг ижро интизомига масъул таркибий бўлинмалари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодлар бўйича таклифлар ва хulosаларни кўриб чиқади ҳамда сухбатдан ўtkазади;

давлат органлари ва ташкилотларининг ижро интизомига масъул таркибий бўлинмалари раҳбарларининг Вазирлар Маҳкамаси аппаратида стажировкадан ўtkазиш рўйхатини, стажировка дастури ва графигини шакллантиради ҳамда Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчисига тасдиқлаш учун киритади;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари билан биргаликда тасдиқланган дастур ва график асосида стажировкаларни ташкил этади;

стажировкалар якунида давлат органлари ва ташкилотларининг ижро интизомига масъул таркибий бўлинмалари раҳбарларининг касбий даражаси ва малакасини ошириш бўйича тегишли таклифлар тайёрлайди.

Бўлим ўзига юклangan бошқа функцияларни ҳам белгилangan тартибда амалга оширади.

3-боб. Бўлимнинг хукуқлари ва жавобгарлиги

7. Бўлим ўзига юклangan вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуидаги хукуқларга эга:

зарур бўлган материаллар ва маълумотларни Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмаларидан, давлат ва хўжалик бошқарувчи органларидан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларидан ва бошқа ташкилотлардан белгилangan тартибда сўраш ва олиш;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг топшириғига биноан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа ташкилотларнинг мажлислари ва йигилишларида қатнашиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари ҳамда Президент Администрацияси топшириқлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати қарорлари ва топшириқлари ижроси назоратини ташкил этиш масалалари бўйича Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотларда ишларнинг ҳолати ҳамда ижро интизомини мустаҳкамлаш масалаларини ўрганиш;

хўжжатлар ва топшириқлар бажарилишини ҳисобга олиш, уларнинг айланиши, таҳлил ва назорат қилиниши ягона тизимини такомиллаштириш масалаларини ишлаб чиқиш, шунингдек, электрон иш юритиш ва хўжжатлар айланиши тизимининг дастурий-техник комплексини ривожлантириш бўйича таклифлар тайёрлашда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва вакилларини, зарурат бўлганда, белгиланган тартибда жалб этиш, ушбу мақсадлар учун ишчи гурухлар ташкил этиш.

Бўлимнинг зарур материаллар, маълумотлар ва бошқа ҳужжатлар тақдим этиш бўйича талаблари, агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, унинг ўринbosарлари ва маслаҳатчиларининг ва Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг топшириқларида бошқа бажариш муддатлари белгиланмаган бўлса, Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг барча таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан Бўлим белгилаган муддатларда бажарилиши керак.

8. Бўлим:

ўзига юкланган вазифаларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг

хужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон, “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарорларига ва Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизомини таъминлаш бўйича талаблар бажарилиши;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари ҳамда Президент Администрацияси топшириқлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати қарорлари ва топшириқлари, Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг топшириқлари Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ўз вақтида ижро этилиши юзасидан назоратни ташкил этишнинг комплекслилиги ва сифати;

Вазирлар Маҳкамаси раҳбариятига ахборот бериш учун материаллар ва хужжатларни белгиланган муддатларда тайёрлашни таъминлаш учун жавоб беради.

4-боб. Бўлимнинг тузилмаси

9. Бўлимнинг тузилмасига:

Бўлим мудири;

Бўлим мудирининг ўринbosари (вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмаларида ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида ижро интизомини ўрганиш масалалари);

Ўзбекистон Республикаси Президенти хужжатлари, Президент Администрацияси топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг ижросини назорат қилиш масалалари бўйича бош мутахассис (1-картотека);

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузурида иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани ривожлантириш масалалари бўйича ўtkазилган йиғилишлар якунлари бўйича тасдиқланган баённомалар топшириқларининг ижросини назорат қилиш масалалари бўйича бош мутахассис (3-картотека);

Мамлакат Раҳбариятининг ёзма ахборотлар бўйича топшириқлари ижросини ва амалий чора-тадбирлар режалари («йўл хариталари») ишлаб чиқилишини назорат қилиш масалалари бўйича бош мутахассис (1-картотека);

Хукумат қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати баённомалари топшириқларининг ижросини назорат қилиш масалалари бўйича бош мутахассис (2-картотека);

Хукумат қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати баённомалари топшириқларининг ижросини назорат қилиш масалалари бўйича бош мутахассис (2-картотека).

инспектор киради.

Бўлимнинг тузилмаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

10. Бўлим ишларига мудир раҳбарлик қиласди.

11. Бўлим мудири, бўлим мудирининг ўринбосари ва мутахассислари белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

5-боб. Бўлим фаолиятини ташкил этиш

12. Бўлим ишлари “Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунига, Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига, Вазирлар Маҳкамасининг аппарати тўғрисидаги низомга, ушбу Низомга, Вазирлар Маҳкамаси аппаратида иш юритиш бўйича йўриқномага, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчиларининг топшириқларига, Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг буйруқлари ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг иш режалари, Бўлимнинг иш режалари, мудир ва мутахассисларнинг шахсий иш режалари асосида ташкил этилади.

Бўлимнинг иш режаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати томонидан тасдиқланган Вазирлар Маҳкамасининг иш режаси асосида шакллантирилади.

Бўлимнинг иш режаси, Бўлим мудирининг шахсий иш режаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчиси томонидан тасдиқланади.

Бўлим мудирининг ўринбосари ва мутахассисларнинг шахсий иш режалари Бўлим мудири томонидан тасдиқланади.

13. Бўлим мудири:

Бўлим ишига бевосита раҳбарлик қилади, мутахассислар ишларини ташкил қилади ҳамда Бўлимга юклangan вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши, ижро интизомининг ҳолати учун тўлиқ жавоб беради;

Бўлим мутахассислари ўртасида вазифалар тақсимотини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчисига киритади ва уларнинг ишларини мувофиқлаштиради, зарур ижро интизомини таъминлайди, Вазирлар Маҳкамаси аппаратида иш юритиш бўйича йўриқномага мувофиқ Бўлимда иш юритишни ташкил қилади;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчилари ўтказадиган йиғилишларда, Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчиси томонидан Бўлим ваколати соҳасига кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган йиғилишларда қатнашади;

Бўлимнинг кадрлар захираси шакллантирилиши ва янгиланилишини, кадрлар захирасига киритилган шахслар билан тизимли иш ташкил этилишини таъминлайди;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратида иш юритиш бўйича йўриқномага мувофиқ иш юритилишини таъминлайди;

Бўлим ишларини такомиллаштириш, мутахассисларнинг иш малакасини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Бўлим ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш, уларнинг малакасини ошириш, уларни рафбатлантириш ҳамда уларни интизомий жазолаш тўғрисидаги таклифларни пухта ишлаб чиқади ва Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчисига тақдим этади;

Бўлимнинг ярим йиллик иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва келишиш учун киритади, Бўлим мутахассисларнинг иш режаларини тасдиқлади;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган хат-хабарлар ва хужжатлар лойиҳаларини Бўлим ваколати соҳасига кирувчи масалалар бўйича ҳар томонлама кўриб чиқиши таъминлайди, тайёрланган лойиҳаларга виза кўяди ва улар тўғрисида белгилangan тартибда ахборот беради;

давлат органлари ва ташкилотларининг ижро интизомига масъул таркибий бўлинмалари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодлар хужжатларини бир кун муддатда ўрганиб чиқади ҳамда номзодлар хужжатлари ва тайёрланган шахсий рефератлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг Кадрлар бўлимига хулоса беради;

Бўлим мудири давлат органлари ва ташкилотларининг ижро интизомига масъул таркибий бўлинмалари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодлар бўйича таклифлар ва хулосаларни кўриб чиқади ҳамда сухбатдан ўтказади;

чиқувчи хат-хабарларни имзолайди.

14. Бўлим мудири вақтинча бўлмаган тақдирда, унинг вазифасини бўлим мудирининг ўринbosари бажаради.

15. Бўлим мудирининг ўринbosари (вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмаларида ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида ижро интизомини ўрганиш масалалари):

Бўлим мудири билан келишган ҳолда, Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириклари ҳамда Президент Администрацияси топшириклари, шунингдек, Хукумат қарорлари ва Вазирлар Маҳкамаси мажлислари топшириклари ижроси ҳолатини комплекс ўрганишда қатнашади, ушбу ишларни яхшилашга қаратилган таклифларни киритади, аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича амалий ёрдам кўрсатади;

Бўлимга юкландиган функционал вазифаларни бажариш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларидан сўрайди ва олади;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти хужжатлари, Хукумат қарорлари ва раҳбариятнинг бошқа топшириклари ижроси юзасидан материалларни тайёрлайди ва кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисига киритади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжатлари, Хукумат қарорлари ва бошқа норматив-хукукий хужжатлар ижро этилишининг назоратини ташкил

қилиш масалалари юкланган раҳбарлар ва мутахассислар таркиби ҳисобназорат номенклатурасини юритади;

давлат органлари ва ташкилотларининг ижро интизомига масъул таркибий бўлинмалари раҳбарларининг Вазирлар Маҳкамаси аппаратида стажировкадан ўтказиш рўйхатини, стажировка дастури ва графигини шакллантиради ҳамда Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчисига тасдиқлаш учун киритади;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари билан биргаликда тасдиқланган дастур ва график асосида стажировкаларни ташкил этади;

стажировкалар якунида давлат органлари ва ташкилотларининг ижро интизомига масъул таркибий бўлинмалари раҳбарларининг касбий даражаси ва малакасини ошириш бўйича тегишли таклифлар тайёрлайди.

16. Ўзбекистон Республикаси Президенти хужжатлари, Президент Администрацияси топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг ижросини назорат қилиш масалалари бўйича бош мутахассис (1-карточка):

Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжатлари ҳамда Президент Администрацияси топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари ижросини назорат қилиш;

электрон иш юритиш ва хужжатлар айланиш тизимида назоратдаги хужжатлар ва топшириқларнинг маълумотлар базасини юритади, назоратдаги хужжатлар ва топшириқларни назоратдан чиқариш тўғрисида таклифлар тайёрлайди ва Бўлим мудирига киритади;

келгуси ойда бажарилиши лозим бўлган назоратдаги хужжатлар ва топшириқлар - Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжатлари ҳамда Президент Администрацияси топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари тўғрисидаги маълумотни ҳар ойнинг 25-санасида Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчисига ахборот бериш учун тайёрлайди ва унинг резолюцияси билан Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмаларига етказади;

назоратда турган бажарилмаган хужжатлар ва топшириқлар бўйича эслатмаларни ҳар хафта Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмаларига юборади;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари бўйича ижро муддати ўтган хужжатлар тўғрисидаги маълумотларни ҳар куни Бўлим мудирига тақдим этади;

Бўлимга юкланган функционал вазифаларни бажариш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларидан сўрайди ва олади;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг мутахассисларига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш орқали топшириқлар назоратини ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатади;

вазифалар тақсимотига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

17. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузурида иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани ривожлантириш масалалари бўйича ўтказилган йиғилишлар якунлари бўйича тасдиқланган баённомалар топшириқларининг ижросини назорат қилиш масалалари бўйича бош мутахассис (3-карточка):

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузурида иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани ривожлантириш масалалари бўйича ўтказилган йиғилишлар якунлари бўйича тасдиқланган баённомалар топшириқлари ижросини назорат қиласади;

электрон иш юритиш ва хужжатлар айланиш тизимида назоратдаги хужжатлар ва топшириқларнинг маълумотлар базасини юритади, назоратдаги хужжатлар ва топшириқларни назоратдан чиқариш тўғрисида таклифлар тайёрлайди ва Бўлим мудирига киритади;

келгуси ойда бажарилиши лозим бўлган назоратдаги хужжатлар ва топшириқлар – Ўзбекистон Республикаси Президенти хузурида иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани ривожлантириш масалалари бўйича ўтказилган йиғилишлар якунлари бўйича тасдиқланган баённомалар топшириқлари тўғрисидаги маълумотни ҳар ойнинг 25-санасида Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчисига ахборот бериш учун тайёрлайди ва унинг резолюцияси билан Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмаларига етказади;

назоратда турган бажарилмаган хужжатлар ва топшириқлар бўйича эслатмаларни ҳар ҳафта Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмаларига юборади;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари бўйича ижро муддати ўтган хужжатлар тўғрисидаги маълумотларни ҳар куни Бўлим мудирига тақдим этади;

Бўлимга юкланган функционал вазифаларни бажариш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари,

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларидан сўрайди ва олади;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг мутахассисларига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш орқали топшириқлар назоратини ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатади;

вазифалар тақсимотига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

18. Мамлакат Раҳбаријатининг ёзма ахборотлар бўйича топшириқлари ижросини ва амалий чора-тадбирлар режалари («йўл хариталари») ишлаб чиқилишини назорат қилиш масалалари бўйича бош мутахassis (1-карточка):

мамлакат Раҳбаријатининг ёзма ахборотлар бўйича топшириқлари ижросини ва амалий чора-тадбирлар режалари (“йўл хариталари”) ишлаб чиқилишини назорат қиласади;

электрон иш юритиш ва ҳужжатлар айланиши тизимида назоратдаги ҳужжатлар ва топшириқларнинг маълумотлар базасини юритади, назоратдаги ҳужжатлар ва топшириқларни назоратдан чиқариш тўғрисида таклифлар тайёрлайди ва Бўлим мудирига киритади;

келгуси ойда бажарилиши лозим бўлган назоратдаги ҳужжатлар ва топшириқлар – мамлакат Раҳбаријатининг ёзма ахборотлар бўйича топшириқлари ижросини ва амалий чора-тадбирлар режалари (“йўл хариталари”) ишлаб чиқилиши тўғрисидаги маълумотни ҳар ойнинг 25-санасида Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчисига ахборот бериш учун тайёрлайди ва унинг резолюцияси билан Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмаларига етказади;

назоратда турган бажарилмаган ҳужжатлар ва топшириқлар бўйича эслатмаларни ҳар ҳафта Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари юборади;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари бўйича ижро муддати ўтган ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотларни ҳар куни Бўлим мудирига тақдим этади;

Бўлимга юкланган функционал вазифаларни бажариш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларидан сўрайди ва олади;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг мутахassisларига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш орқали топшириқлар назоратини ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатади;

вазифалар тақсимотига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

19. Ҳукумат қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати баённомалари топшириқларининг ижросини назорат қилиш масалалари бўйича бош мутахассис (2-картоека):

Ҳукумат қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати баённомалари топшириқларининг ижросини назорат қилади;

электрон иш юритиш ва хужжатлар айланиш тизимида назоратдаги хужжатлар ва топшириқларнинг маълумотлар базасини юритади, назоратдаги хужжатлар ва топшириқларни назоратдан чиқариш тўғрисида таклифлар тайёрлайди ва Бўлим мудирига киритади;

келгуси ойда бажарилиши лозим бўлган назоратдаги хужжатлар ва топшириқлар – Ҳукумат қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати баённомалари топшириқларининг ижроси тўғрисидаги маълумотни ҳар ойнинг 25-санасигача Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчисига ахборот бериш учун тайёрлайди ва унинг резолюцияси билан Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмаларига етказади;

назоратда турган бажарилмаган хужжатлар ва топшириқлар бўйича эслатмаларни ҳар ҳафта Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмаларига юборади;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари бўйича ижро муддати ўтган хужжатлар тўғрисидаги маълумотларни ҳар куни Бўлим мудирига тақдим этади;

мониторинг олиб бориш ва амалга ошириш жадвалини ўз вақтида ишлаб чиқиши учун қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжатлари, Ҳукумат қарорлари рўйхатини шакллантиради;

қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжатлари, Ҳукумат қарорлари бўйича назорат режалари ишлаб чиқилишини ҳар ойда таҳлил қилади ва кейинчалик Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчисига таҳлил натижалари тўғрисида маълумот киритади;

Бўлимга юкланган функционал вазифаларни бажариш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларидан сўрайди ва олади;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг мутахассисларига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш орқали топшириқлар назоратини ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатади;

“Ijro.gov.uz” тизимида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тасдиқланган топшириғи ёки назорат режалари асосида Вазирлар Маҳкамаси аппаратидан масъул ижрочи ҳамда вазирлик ва идораларни белгилайди ва назоратга олади;

Вазирлар Маҳкамаси бевосита масъул бўлган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар бўйича Вазирлар Маҳкамаси Назорат ва ижро интизоми бўлими Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тасдиқланган топшириғи ёки назорат режалар асосида Вазирлар Маҳкамаси аппаратидан масъул ижрочи ҳамда вазирлик ва идораларни «Ijro.gov.uz» тизимида белгилайди ва назоратга олади;

“Ijro.gov.uz” тизимида ҳар ҳафтанинг чорсанба ва жума кунлари топшириқлар ижросини таҳлил қилиб боради ҳамда муддати кечикирилаётган ҳужжатлар бўйича Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчисига ахборот киритиб боради;

Адлия вазирлиги томонидан “Ijro.gov.uz” тизимида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижро ҳолати бўйича таҳлилий материалларни ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг бешинчи санасига қадар Вазирлар Маҳкамасига киритилишини назорат қиласиди;

таҳлилий материалларни ҳар ойнинг 7-санасига қадар таҳлил қиласиди ҳамда бажарилмаган бандлар бўйича таҳлилий жадвал билан бирга Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг топшириқ хати асосида пухта таҳлил қилиш учун масъул таркибий бўлинмаларга юборади;

таркибий бўлинмалар томонидан тақдим этилган таҳлилий материалларни пухта қайта ишлайди ҳамда умумлаштирилган якуний таҳлилий материаллар тўплами, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси ҳолати юзасидан Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлиси материалларини ҳар ойнинг 12-санасига қадар Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг ҳукукий экспертиза масалалари бўйича ўринбосари ҳузурида, ҳар ойнинг 13-санасига қадар Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчиси ҳузурида ҳимоя қиласиди;

масъул таркибий бўлинмалар билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати мажлисини ташкил этади ҳамда якунлари бўйича ҳужжатлар тўпламини Вазирлар Маҳкамаси Раёсати

аъзолари томонидан билдирилган таклифлардан келиб чиқиб, бир кун муддатда пухта қайта ишлайди;

Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг мажлиси баёни пухта қайта ишланганидан сўнг қонунчилик хужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича таҳлилий маълумотнома ҳамда жадвал билан бирга Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчиси хузурида ҳимоя қилинган ҳолда, бир кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига юборади;

Хукумат тизимидағи давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар бўйича қонунчилик хужжатлари ва топшириқларнинг ижро муддатларини узайтириш хақидаги Адлия вазирлиги томонидан кўриб чиқилган таклифларни беш кун муддатда таҳлил қиласи ҳамда асосли деб топилган тақдирда, тегишли таклифни Ҳисоб палатасига “Ijro.gov.uz” тизими орқали киритади;

вазифалар тақсимотига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

20. Инспектор Бўлимда иш юритишни олиб боради, хужжатлар айланишини назорат қиласи, хужжатларни тайёрлаш ва архивда сақлаш учун ўз вақтида беришни таъминлайди, унга юкландган бошқа функцияларни бажаради.

6-боб. Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмаларида, давлат ва хўжалик бошқаруви органларида ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида хужжатлар билан ишлаш ва ижро интизом ҳолатини ўрганиш тартиби

1-§. Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмаларида хужжатлар билан ишлаш ва ижро интизоми ҳолатини ўрганиш тартиби

21. Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмаларида хужжатлар билан ишлаш ва ижро интизоми ҳолати юзасидан ўрганиш ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

22. Бўлим мудири Бўлимнинг бўлажак ярим йиллик бўйича хужжатлар билан ишлашни ва ижро интизомининг ҳолатини мақсадли ўрганиш бўйича тадбирлари иш режасига киритиш учун қоидага кўра декабрь ва июнь ойларида Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмаларида хужжатлар билан ишлаш ва ижро интизоми ҳолатини

мақсадли ўрганиш бўйича илгари ўтказилган ўрганишларни таҳлил қиласиди.

23. Иш режасига асосан Бўлим ходимлари томонидан Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмаларида ҳужжатлар билан ишлаш ва ижро интизоми ҳолатини ўрганиш бўйича материаллар (ишчи гуруҳ тартиби, саволнома, жадваллар ва бошқалар) тайёрланади ва тайёрланган материаллар Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчиси билан келишилади.

24. Бўлим ходимлари томонидан Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмаларида ҳужжатлар билан ишлаш ва ижро интизоми ҳолати, ушбу йўналишдаги ишларни мувофиқлаштириш ўрганилади, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарур ёрдам кўрсатилади.

25. Ўрганиш яқунлангандан кейин Бўлим мудири томонидан 3 кун муддатда ҳужжатлар билан ишлаш ва ижро интизоми ҳолатини ўрганиш натижалари бўйича таҳлилий материаллар тайёрланади ва бу ҳақда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчилари, Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчиси ҳамда таркибий бўлинмалар раҳбарлари кейинчалик хабардор қилинади.

26. Бўлим ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг топшириқлари бир кун муддатда Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмаларига етказилади.

27. Бўлим ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг топшириқлари ижроси ҳолати бўйича кундалик мониторинг олиб борилади.

2-§. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида ҳужжатлар билан ишлаш ва ижро интизоми ҳолатини ўрганиш тартиби

28. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида ҳужжатлар билан ишлаш ва ижро интизоми ҳолати юзасидан ўрганиш ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

29. Вазирлар Маҳкамаси аппаратида «Ijro.gov.uz» ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини назорат қилиш ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

30. Бўлим мудирининг ўринбосари Бўлимнинг келгуси ярим йиллик бўйича хужжатлар билан ишлашни ва ижро интизомининг ҳолатини мақсадли ўрганиш бўйича тадбирлари иш режасига киритиш учун декабрь ва июнь ойларида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида хужжатлар билан ишлаш ва ижро интизоми ҳолатини мақсадли ўрганиш бўйича илгари ўтказилган ўрганишларни таҳлил қиласди.

31. Иш режасига асосан Бўлим ходимлари томонидан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида хужжатлар билан ишлаш ва ижро интизоми ҳолатини ўрганиш бўйича материаллар (ишчи гурӯҳ таркиби, саволнома, жадваллар ва бошқалар) тайёрланади ва тайёрланган материаллар Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари ва маслаҳатчилари билан келишилади.

32. Бўлим мудирининг ўринбосари томонидан бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида хужжатлар билан ишлаш ва ижро интизоми ҳолати, ушбу йўналишдаги ишларни мувофиқлаштириш ўрганилади, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарур ёрдам кўрсатилади.

33. Бўлим мудирининг ўринбосари томонидан ҳар чоракда келгуси ойнинг 10-кунигача хужжатлар билан ишлаш ва ижро интизоми ҳолатини ўрганиш натижалари бўйича таҳлилий материаллар Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати мажлисида кўриб чиқиш учун тайёрланади.

34. Бўлим мудирининг ўринбосари томонидан ҳар чоракда келгуси ойнинг 15-кунигача Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг мажлиси баёни лойиҳаси ишлаб чиқилади ва тасдиқлаш учун киритилади.

35. Бўлим ходимлари томонидан Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг тасдиқланган баёни ижроси ҳолати бўйича кундалик мониторинг олиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг
Назорат ва ижро интизоми бўлими
тўғрисидаги низомга
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари ҳамда Президент
Администрацияси топшириқлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати қарорлари ва топшириқлари ижросини
ташкил қилиш ва амалга оширилишини назорат қилиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Амалга ошириладиган тадбирлар	Ижро муддатлари
1-босқич	Бош вазир котибияти	Ҳужжатларни имзоланган топширикнома ва 1-сон назорат карточкаси билан Назорат ва ижро интизоми бўлимiga бериш.	Топширикнома имзолангандан сўнг 30 дақиқа мобайнида
2-босқич	Умумий бўлим	Вазирлар Маҳкамасининг карорлари, фармойишлари ва йиғилишлари баёнлари ва Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлиси баёнларини бериш (2-картотека).	Ҳужжат олиниши билан
3-босқич	Бўлим мудири	Ҳужжатларни, топшириқларни ва назорат бандларини ижро интизомининг электрон тизимида рўйхатдан ўтказиш.	Ҳужжат олинган пайтдан бошлаб бир соат мобайнида
4-босқич	Бўлим ходимлари	1-сон назорат карточкаларини тўлиқ расмийлаштириш.	Ҳужжат олинган пайтдан бошлаб бир соат мобайнида
5-босқич	Бўлим ходимлари	Ҳужжатларни топширикнома ва 1-сон назорат карточкаси билан ижросини ташкил этиш учун Бош вазир ўринбосарларининг ёрдамчиларига, Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари раҳбарларига имзо қўйдириб бериш.	Ҳужжат олинган пайтдан бошлаб бир соат мобайнида
6-босқич	Бўлим ходимлари	Бажарилмаган назоратдаги ҳужжатлар ва 1,2,3-сон картотекалар топширикларининг ижро ҳолатини назоратдаги ҳужжатларнинг ижро чилари билан бирга таҳлил қилиш ва таҳлилий материалларни тайёрлаш.	Хар куни
		Бажарилмаган назоратдаги ҳужжатлар ва 1,2,3-сон картотекалар топширикларининг ижро ҳолатини Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчиси ҳузурида котибиятлар мудирлари ва мутахассислари иштирокида муҳокама қилишни ташкил этиш.	Хар хафтанинг чоршанба куни

7-боскич	Бўлим мудири	Бажарилмаган назоратдаги хужжатлар ва 1,2,3-сон картотекалар топширикларининг ижро ҳолатини Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчиси хузурида котибиятлар мудирлари иштирокида муҳокама қилишни ташкил этиш.	Ҳар ҳафтанинг жума куни
8-боскич	Бўлим	Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг навбатдаги мажлиси муҳокамасига бажарилмаган назоратдаги хужжатлар ва 1,2,3-сон картотекалар топшириклари бўйича таҳлилий материалларни тайёрлаш.	Ҳар ҳафтанинг душанба куни
9-боскич	Бўлим	Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари мутахассислари томонидан тақдим этилган хужжатлар асосида ижроси таъминланган назоратдаги 1,2,3-сон картотекалар топширикларини назоратдан чиқариш.	Тасдиқловчи хужжатлар тақдим этилганда
10-боскич	Бўлим ходимлари	Ижро муддати кейинги ойга тўғри келадиган назоратдаги хужжатлар ва 1,2,3-сон картотекалар топшириклари тўғрисидаги маълумотларни тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари раҳбарларига тақдим этиш.	Ҳар ойнинг 25-санасида

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг
Назорат ва ижро интизоми бўлими
тўғрисидаги низомга
2-илова

**Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмаларида
хужжатлар билан ишлаш ва ижро интизоми ҳолатини ўрганиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Амалга ошириладиган тадбирлар	Ижро муддатлари
1-bosqich	Бўлим мудири	Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмаларида хужжатлар билан ишлаш ва ижро интизомининг ҳолати юзасидан илгари ўтказилган ўрганишларни таҳлил килиш.	Декабрь, июнь
2-bosqich	Бўлим мудири	Назорат ва ижро интизоми бўлимининг иш режасига хужжатлар билан ишлаш ва ижро интизоми ҳолатини мақсадли ўрганиш тадбирларини киритиши.	Декабрь, июнь
3-bosqich	Бўлим ходимлари	Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмаларида хужжатлар билан ишлаш ва ижро интизоми ҳолатини ўрганиш бўйича материаллар (саволнома, жадваллар ва бошқалар)ни тайёrlаш.	Иш режасига асосан
4-bosqich	Бўлим мудири	Тайёрланган материалларни Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчиси билан келишиш.	Иш режасига асосан
5-bosqich	Бўлим ходимлари	Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмаларида хужжатлар билан ишлаш ва ижро интизоми ҳолатини ўрганиш, ушбу йўналишдаги ишларни мувофиқлаштириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарур ёрдам кўrsatiш.	Иш режасига асосан
6-bosqich	Бўлим мудири	Хужжатлар билан ишлаш ва ижро интизоми ҳолатини ўрганиш натижалари бўйича таҳлилий материалларни тайёrlаш ва бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини, унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчilarини Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчисини ҳамда таркибий бўлинмалар раҳбарларини хабардор қилиш.	З кун мобайнида
7-bosqich	Бўлим ходимлари	Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг топширикларини Вазирлар Маҳкамаси таркибий бўлинмаларига етказиш.	Бир кун мобайнида
8-bosqich	Бўлим ходимлари	Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг топшириклари ижроси ҳолати мониторингини олиб бориш.	Хар куни

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг
Назорат ва ижро интизоми бўлими
тўғрисидаги низомга
3-илова

**Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият
органларида ҳужжатлар билан ишлаш ва ижро интизоми ҳолатини ўрганиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Амалга ошириладиган тадбирлар	Ижро муддатлари
1-bosqich	Бўлим мудири ўринбосари	Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида ҳужжатлар билан ишлаш ва ижро интизоми ҳолати юзасидан илгари ўтказилган ўрганишларни таҳлил килиш.	Декабрь, июнь
2-bosqich	Бўлим мудири	Назорат ва ижро интизоми бўлмининг иш режасига ҳужжатлар билан ишлаш ва ижро интизоми ҳолатини мақсадли ўрганиш тадбирларини киритиш.	Декабрь, июнь
3-bosqich	Бўлим мудири ўринбосари	Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида ҳужжатлар билан ишлаш ва ижро интизоми ҳолатини ўрганиш бўйича материаллар (ишчи гурух таркиби, саволнома, жадваллар ва бошқалар) тайёрлаш.	Иш режасига асосан
4-bosqich	Бўлим мудири	Тайёрланган материалларни Бош вазирнинг тегишли ўринбосари ёки маслаҳатчиси билан келишиш.	Иш режасига асосан
5-bosqich	Бўлим мудири ўринбосари	Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида ҳужжатлар билан ишлаш ва ижро интизоми ҳолатини ўрганиш.	Иш режасига асосан
6-bosqich	Бўлим мудири ўринбосари	Ҳужжатлар билан ишлаш ва ижро интизоми ҳолатини ўрганиш натижалари бўйича таҳлилий материалларни Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисида кўриб чиқиш учун тайёрлаш.	Ҳар чоракда келгуси ойнинг 10-санасигача
7-bosqich	Бўлим мудири ўринбосари	Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг баёни лойихасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритиш.	Ҳар чоракда келгуси ойнинг 15-санасигача
8-bosqich	Бўлим ходимлари	Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг тасдиқланган баёни ижроси ҳолати мониторингини олиб бориш.	Ҳар куни

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг
Назорат ва ижро интизоми бўлими
тўғрисидаги низомга
4-илова

**Вазирлар Маҳкамаси аппаратида «Ijro.gov.uz» ижро интизоми
идоралараро ягона электрон тизимида қонунчилик хужжатлари
ва топшириклар ижросини назорат қилиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Амалга ошириладиган тадбирлар	Ижро муддатлари
1-босқич	Бўлим мудири ўринбосари, бош мутахассис	Хукумат тизимида давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар бўйича топшириклардан келиб чиқсан ҳолда масъул ижрочини, зарур бўлганда, вазирлик ва идораларни белгилаш ҳамда топширикларни назоратга олиш.	Доимий
2-босқич	Бўлим мудири ўринбосари, бош мутахассис	Давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмаларида қонунчилик хужжатлари ва топширикларнинг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш.	Доимий
3-босқич	Бўлим мудири ўринбосари, бош мутахассис	Ҳар хафта чоршанба ва жума кунлари топшириклар ижросини таҳлил қилиб бориш ҳамда муддати кечикирилаётган хужжатлар бўйича Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчисига ахборот киритиб бориш.	Ҳар хафта чоршанба ва жума кунлари
4-босқич	Бўлим мудири ўринбосари, бош мутахассис	Аддия вазирлиги томонидаи “Ijro.gov.uz” тизимида қонунчилик хужжатлари ва топширикларнинг ижро ҳолати бўйича таҳлилий материалларни ҳар ой якуни бўйича Вазирлар Маҳкамасига киритилишини назорат қилиш.	Ҳар ойнинг 5 - санаси
5-босқич	Бўлим мудири ўринбосари, бош мутахассис	Таҳлилий материалларни таҳлил қилиш ҳамда бажарилмаган бандлар бўйича таҳлилий жадвал билан бирга Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг топшириқ хати асосида пухта таҳлил қилиш учун масъул таркиби бўлинмаларга юбориш.	Ҳар ойнинг 7 - санаси
6-босқич	Бўлим мудири ўринбосари, бош мутахассис	Таркиби бўлинмалар томонидан тақдим этилган таҳлилий материалларни пухта қайта ишлаш ҳамда умумлаштирилган якуний таҳлилий материаллар тўплами, қонунчилик хужжатлари ва топшириклар ижроси ҳолати юзасидан Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлиси материалларини Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг хукукий экспертиза масалалари бўйича ўринбосари ҳузурида ҳимоя қилиш.	Ҳар ойнинг 12 - санаси
7-босқич	Бўлим мудири ўринбосари, бош мутахассис	Таркиби бўлинмалар томонидан тақдим этилган таҳлилий материалларни пухта қайта ишлаш ҳамда умумлаштирилган якуний таҳлилий материаллар тўплами, қонунчилик хужжатлари ва топшириклар ижроси ҳолати юзасидан Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлиси материалларини Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчisi ҳузурида ҳимоя қилиш.	Ҳар ойнинг 13 - санаси

8-босқич	Бўлим мудири ўринбосари, бош мутахассис	Масъул таркибий бўлинмалар билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати мажлисини ташкил этиш ҳамда якуплари бўйича хужжатлар тўпламини Вазирлар Маҳкамаси Раёсати аъзолари томонидан билдирилган таклифлардан келиб чиқиб, пухта қайта ишлаш.	Ҳар ойнинг 14 - санаси
9-босқич	Бўлим мудири ўринбосари, бош мутахассис	Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлиси баёни пухта қайта ишлангандан сўнг қонунчилик хужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича таҳлилий маълумотнома ҳамда жадвал билан бирга Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчиси хузурида ҳимоя қилинган ҳолда, Узбекистон Республикаси Президенти Администрациясига юбориши.	Ҳар ойнинг 15 - санаси
10-босқич	Бўлим мудири ўринбосари, бош мутахассис	Хукумат тизимидағи давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар бўйича қонунчилик хужжатлари ва топшириқларнинг ижро мурдатларини узайтириш ҳақида Аддия вазирлиги томонидан кўриб чиқилган таклифларни таҳдил килиш ҳамда асосли деб топилган тақдирда, тегишли таклифни Ҳисоб палатасига “Ijro.gov.uz” тизими оркали киритиш.	Ҳар ойнинг 15 - санаси

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 3 августдаги 488-сон қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
аппаратининг Умумий бўлими тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг Умумий бўлими (кейинги ўринларда Бўлим деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг (кейинги ўринларда Вазирлар Маҳкамасининг аппарати деб аталади) иш юритиши, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларини ташкилий-техник жиҳатдан таъминловчи таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек ушбу Низомга амал қиласди.

3. Бўлим ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири раҳбарлигига амалга оширади.

Бўлим Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчисига бўйсунади.

4. Бўлим ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошка таркибий бўлинмалари, давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошка ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

2-боб. Бўлимнинг вазифалари ва функциялари

5. Куйидагилар Бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

тасдиқланган норматив-хуқуқий ҳужжатларга мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси аппаратида иш юритиши ва архив ишини ташкил этиш;

иш юритиш ва архив ишини ташкил этиш ва электрон ҳужжат айланишининг замонавий үсулларини кенг жорий этишни ҳисобга олган холда Вазирлар Маҳкамаси аппаратида ҳужжатлар билан ишлашни такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш;

иш юритиш ва архив ишини ташкил этиш масалаларида Вазирлар Маҳкамаси аппарати таркибий бўлинмалари ишларини мувофиқлаштириш;

“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларини тайёрлаш ва уларни ўтказишни ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритилган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ҳукуматнинг хужжатлари лойиҳаларини кўриб чиқиш, келишиш ва имзолаш мониторингини олиб бориш, имзоланган хужжатларнинг материалларини архивга топширишга тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг аппарати фаолиятида тўпланган ва иш юритиш тугалланган хужжатларнинг сақланишини таъминлаш.

6. Юкланган вазифаларни бажариш учун Бўлим куйидаги функцияларни амалга оширади:

Вазирлар Маҳкамаси аппарати таркибий бўлинмаларида иш юритиш бўйича йўриқнома талабларига риоя этилишини ушбу Низомга иловага мувофиқ схема бўйича ўрганади ва назорат қилади, иш юритилишига методик раҳбарлик қилади;

иш юритиш жараёнларини такомиллаштириш ва автоматлаштириш, электрон хужжат айланишини жорий этиш тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларини, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати баёнларини рўйхатдан ўтказади, ҳисобга олади, кўпайтиради ва шу жумладан, электрон почта орқали тарқатади, улардан ва бошқа хужжатлардан кўчирмалар тайёрлайди ва тарқатади, зарур ҳолатларда уларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади;

ҳар ойлик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари тўплами, шунингдек, Юридик таъминлаш бошқармаси билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами (Ўзбекистон Республикаси КТ) чиқарилишини таъминлайди;

таркибий бўлинмалар билан биргаликда Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларини техник жиҳатдан таъминлайди, шу жумладан: Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларига таклиф этилганларнинг умумлаштирилган рўйхатини шакллантиради, таркибий бўлинмалар мутахассислари билан биргаликда материалларни танлаб олади, кўпайтиради ва уларни мажлис иштирокчиларига етказади, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларига хужжатлар ёзилишини, таклиф этилганлар рўйхатга олинишини, стенограмма юритилишини ва синхрон таржимани таъминлайди;

Вазирлар Маҳкамаси аппарати таркибий бўлинмалари мутахассислари билан биргаликда Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлислари баёнлари тайёрланишини, шунингдек, уларнинг ижро чилиларга тарқатилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритилган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ҳукуматнинг хужжатлари лойиҳаларини кўриб чиқиш, келишиш ва имзолаш мониторингини олиб боради ҳамда улар юзасидан маълумотлар базасини шакллантиради;

“Project.gov.uz” тизими орқали белгиланган тартибда келишиш учун Вазирлар Маҳкамасига киритилган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ҳукуматнинг хужжатлари лойиҳаларининг кўриб чиқилиши мониторингини олиб боради ҳамда улар юзасидан маълумотлар базасини шакллантиради;

Ҳукумат қарорлари ва фармойишлари лойиҳаларини белгиланган тартибда жамоатчилик мухокамасидан ўтказиш учун “Regulation.gov.uz” порталига жойлаштиришга доир Вазирлар Маҳкамасига киритилган таклифларнинг кўриб чиқилиши мониторингини олиб боради ҳамда улар юзасидан маълумотлар базасини шакллантиради;

тушаётган хат-хабарларни қабул қиласи, рўйхатга ва ҳисобга олади, тақсимлайди ва тегишлилиги бўйича юборади, чикувчи хат-хабарларни қабул қиласи ва жўнатади;

таркибий бўлинмаларда хужжатлар йиғмажилди номенклатурасини аниқлайди, Вазирлар Маҳкамаси аппарати Йиғма номенклатурасини тузади, унга риоя этилишини назорат қиласи;

Вазирлар Маҳкамаси аппарати таркибий бўлинмаларидан иш юритиш тугалланган йиғмажилларни қабул қиласи, уларнинг ҳисобини олади ва сақланишини, жорий архив шакллантирилишини таъминлайди, йиғмажилларни ва хужжатлари белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат архивига топширади;

Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг имзолаган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари материалларини архивга топширишга тайёрлаш учун Вазирлар Маҳкамаси аппарати таркибий бўлинмаларидан қабул қиласи;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратига янги қабул қилинган ходимларни стажировкадан ўтказади, уларга йўл-йўриқлар беради, норматив-хуқуқий хужжатлар ва бошқа хужжатлар билан таништиради ва улар билан ишлашни ташкил этиш масалалари бўйича ўкув семинарларни ташкил қиласи;

Ҳукумат қарорлари, фармойишлари ва Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқа хужжатлари лойиҳаларини таҳrir ва таржима қиласи;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратида иш юритишни ташкил этиш учун зарур бўлган тегишли муҳрлар, штамплар ва бланкаларнинг тайёрланишини ташкил этади, уларнинг ҳисобини ва сақланишини таъминлайди;

давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирламшалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари аппаратларида иш юритишнинг ҳолатини ўрганади.

Бўлим белгиланган тартибда ўзига юклangan бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

3-боб. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

7. Бўлим ўзига юклangan вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари, давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлардан материаллар ҳамда маълумотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

тегишли материаллар ва хужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда тайёрлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва мутахассислари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмаларида иш юритишнинг йўлга қўйилганлигини текшириш, ўрганилаётган масалаларга оид барча хужжатлар ва материаллар билан танишиш;

давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари аппаратларида, шунингдек, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида иш юритишнинг ҳолатини ўрганиш.

Бўлимнинг зарур материаллар ва маълумотлар тақдим этиш бўйича талаблари, агар Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчилари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг ёки унинг ўринбосарлари топшириқларида бажаришнинг бошқа муддатлари белгиланмаган бўлса, Бўлим белгилаган муддатларда бажарилиши шарт.

8. Бўлим:

ўзига юклangan вазифаларнинг зарур тарзда ва самарали бажарилиши;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратида иш юритишнинг сифати;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик хужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини қучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон

Фармонига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон, “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарорларига ва Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизоми таъминланиши учун жавоб беради;

“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси раҳбариятига ахборот бериш учун материаллар ва хужжатлар белгиланган муддатларда тайёрланишини таъминлаш учун жавоб беради.

4-боб. Бўлимнинг тузилмаси

9. Бўлимнинг тузилмасига Бўлим мудири, Бўлим мудирининг ўринbosари, бош мутахассислар, инспекторлар киради.

Бўлим тузилмаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

10. Бўлим ишларига мудир раҳбарлик қиласи.

11. Бўлим мудири ва унинг ўринbosари, мутахассислари белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

5-боб. Бўлим фаолиятини ташкил этиш

12. Бўлим ишлари Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати тўғрисидаги низомга, ушбу Низомга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратида Иш юритиш бўйича йўриқномага, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг топшириқларига, Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг буйруқлари ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг иш режалари, Бўлимнинг иш режалари, Бўлим мудири, унинг ўринbosари ва мутахассисларининг шахсий иш режалари асосида ташкил этилади.

Бўлимнинг иш режаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати томонидан тасдиқланадиган Вазирлар Маҳкамаси иш режаси асосида ташкил этилади.

Бўлимнинг иш режаси, Бўлим мудирининг шахсий иш режаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси томонидан тасдиқланади.

Бўлим мудирининг ўринбосари ва мутахассисларнинг шахсий иш режалари Бўлим мудири томонидан тасдиқланади.

13. Бўлим мудири:

Бўлим ишига бевосита раҳбарлик қилади, Бўлим мудирининг ўринбосари ва мутахассислар ишини ташкил этади ва Бўлимга юкланган вазифалар ҳамда функцияларнинг бажарилиши, ижро интизомининг ҳолати учун тўлиқ жавоб беради;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчилари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси томонидан Бўлим юритадиган соҳага тааллуқли масалалар юзасидан ўтказиладиган йиғилишларда иштирок этади;

Бўлим мудирининг ўринбосари, мутахассислар ва Бўлимнинг бошқа ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Бўлим ходимларининг профессионал савияси оширилишини, уларнинг малакаси ошишини, Бўлимда ижро интизоми мустаҳкамланишини таъминлайди;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратида Иш юритиш бўйича йўриқномага мувофиқ иш юритилишини таъминлайди;

чиқувчи хат-хабарларни имзолайди;

Бўлим ишларини такомиллаштириш, мутахассисларнинг иш малакасини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисига Бўлим мудирининг ўринбосарини, Бўлим мутахассисларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш, уларнинг малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ҳамда интизомий жазолаш тўғрисида таклифлар тақдим этади.

14. Бўлим мудирининг ўринбосари:

давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлардан тушган хат-хабарлар қабул қилиниши, пухта ишланиши ва рўйхатдан ўтказилишини, чиқувчи хат-хабарларнинг ижро чиларга жўнатилишини ташкил этади;

Ҳукуматнинг қарорлари, шунингдек, топшириклари, бошқа чиқувчи хат-хабарлар – тушган хат-хабарлар ҳисобга олинишини ва Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмаларига, ижро этувчи ташкилотларга етказилишини таъминлайди;

иши юритишга электрон хужжатлар айланиши тизимини жорий этиш тадбирларини амалга оширади;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлимларида иш юритилиши ва хужжатлар билан ишлашнинг ҳолати тизимли ўрганилишини ташкил этади, ўрганиш якунлари тўғрисида таркибий бўлинмалари раҳбарларига Вазирлар Маҳкамаси аппарати раҳбариятига ахборот беради, хужжатлар билан ишлашни такомиллаштириш юзасидан таклифлар беради;

хат-хабарларни давлат бошқаруви органларига, хўжалик бирлашмаларига, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига етказиб бериш бўйича Давлат фельдъегерлик хизмати бўлинмаси, Ҳукумат хужжатларини кўпайтириш бўйича – электр-нусха кўчириш бюроси ишини мувофиқлаштиради;

Бўлим мудирининг топшириғи бўйича чиқувчи хат-хабарларни имзолайди.

15. Ҳукумат қарорлари ва бошқа хужжатларни расмийлаштириш ва чиқариш масалалари бўйича бош мутахассислар:

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсатининг имзоланган қарорлари, фармойишлари, мажlisлари баёнларини қабул қиласидилар, расмийлаштирадилар ва ўз вақтида чиқарадилар;

Ҳукумат хужжатлари материаллари, Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган Ўзбекистон Республикаси Президенти хужжатлари материаллари архивга топширилиши учун тайёрланишини таъминлайдилар;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажlisларини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича ташкилий-техник чора-тадбирларни амалга оширадилар;

Ҳукуматнинг қабул қилинган хужжатларини чиқаришга расмийлаштириш масалалари бўйича Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг янги қабул қилинган ходимлари билан стажировка ўтказадилар, уларни Вазирлар Маҳкамаси аппаратида хужжатлар билан ишлашни тартибга солувчи норматив-хукуқий хужжатлар билан таъминлайдилар.

16. Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти хужжатлари, Ҳукумат қарорлари ва бошқа хужжатлар лойиҳаларини таржима ва таҳrir килишини ташкил этиш масалалари бўйича бош мутахассис Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари, фармойишлари ва Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқа хужжатлари лойиҳаларини таржима қиласидилар, таржима қиласидилар, қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти хужжатлари ва Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини давлат тилида тайёрлашда Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалар мутахассисларга амалий ёрдам берадилар.

17. Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари, Ҳукумат қарорлари ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини таҳрир қилиш масалалари бўйича бош мутахассислар норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ўз вақтида ва сифатли таҳрир қилинишини, норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ўқиб тузатилиши ва таққосланишини, Вазирлар Маҳкамаси мажлисларининг ва олий даражада ўтказиладиган бошқа тадбирларнинг синхрон таржима қилинишини таъминлайди, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами (КТ) ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари тўплами нашр этилиши юзасидан Хўжалик фаолияти бошқармасининг Босмахонаси ишини мувофиқлаштиради.

18. Вазирлар Маҳкамаси аппарати таркибий бўлинмаларда иш юритилишини ташкил этиш ва назорат қилиш масалалари бўйича бош мутахассис:

таркибий бўлинмаларда ишларнинг ҳолати тизимли ўрганилишини, Вазирлар Маҳкамаси аппаратида иш юритиш бўйича йўриқнома талабларига риоя этилиши устидан назорат қилинишини таъминлайди, иш юритишда мутахассисларга ва техник ходимларга амалий ёрдам беради. Ўрганиш якунлари тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари раҳбарларига ва Бўлим мудирига ахборот беради;

Вазирлар Маҳкамаси аппарати таркибий бўлинмаларининг мутахассислари, давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг тегишли ходимлари учун ҳужжатлар билан ишлашни такомиллаштириш, иш юритишни ташкил этиш, электрон ҳужжатлар айланишини юритиш бўйича мунтазам семинарлар ўтказилишини ташкил этади.

19. Архивни юритиш масалалари бўйича инспектор архив иши, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг аппарати фаолиятида тўпланиб коладиган ҳужжатларнинг ва иш юритиш тугатилган йиғмажиллар сакланишини, Йиғма номенклатура тузилишини, ҳужжатларни доимий саклашга топшириш, архив ишини такомиллаштириш масалаларида Давлат архиви бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилишни таъминлайди.

20. Бўлим мудири вақтинча бўлмагандага унинг вазифасини Бўлим мудирининг ўринбосари бажаради.

21. Бўлимнинг бошқа ходимлари ўз фаолиятини белгиланган тартибда тасдиқланадиган функционал вазифалар тақсимланишига мувофиқ амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг
Умумий бўлими тўғрисидаги низомга
илова

**Вазирлар Маҳкамаси аппарати таркибий бўлинмаларида
Иш юритиш бўйича йўриқнома талабларига риоя этилишини
ўрганиш ва назорат қилиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Тадбиrlар	Муддатлари
1-босқич	Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг янги қабул қилинган ходимларини ҳужжатлар билан ишлашни ташкил этиш масалаларида стажировкадан ўтказиш ва уларга йўл-йўриқ бериш ҳамда уларни ҳужжатлар билан ишлашни тартибга солувчи норматив-хукукий ҳужжатлар билан таъминлаш.	Стажировка жадвалига мувофик
2-босқич	Вазирлар Маҳкамаси аппарати таркибий бўлинмаларида иш юритишнинг ҳолатини ўрганиш, ҳужжатлар билан ишлашни такомиллаштиришда мутахассисларга амалий ёрдам кўрсатиш.	Бўлимнинг иш режасига мувофик
3-босқич	Тасдиқланган тузилмага мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси аппарати таркибий бўлинмаларида йигмажиллар номенклатурасини аниқлаш, Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг йиғма номенклатурасини шакллантириш.	Ҳар йили, декабрь ойида
4-босқич	Иш юритиш тугалланган йигмажиллар шакллантирилишини ўрганиш ҳамда Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмаларидан йигмажилларни жорий архивга топшириш учун қабул қилиш.	Алоҳида жадвал бўйича
5-босқич	Ўрганиш яқунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмаларида – шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси аппарати ходимларининг умумий йигилишида иш юритишнинг ҳолатини муҳокама қилиш.	Ўрганиш яқунлари бўйича, жадвалга кўра

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 3 августдаги 488-сон қарорига
3-илова

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
аппаратининг Ахборот-коммуникация технологияларини
жорий этиш бўлими тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўлими (кейинги ўринларда – Бўлим) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратида (кейинги ўринларда – Вазирлар Маҳкамаси) ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантиришни, ахборот тизимлари ва ресурсларини яратиш ва улардан фойдаланишни, ахборот хавфсизлигини, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси аппарати ходимларини ахборот-коммуникация технологиялари бўйича ўқитиш ва уларнинг малакасини оширишни таъминловчи Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг функционал таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Низомга амал қиласди.

3. Бўлим ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири раҳбарлигига амалга оширади.

Бўлим Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчисига бўйсунади.

4. Бўлим ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

2-боб. Бўлимнинг вазифалари ва функциялари

5. Куйидагилар Бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Вазирлар Маҳкамаси аппаратида ахборот-коммуникация технологиялари, ахборот тизимлари ва ресурсларини жорий қилиш ҳамда ривожлантиришнинг узоқ муддатли даврга мўлжалланган ягона стратегиясини, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ахборот-коммуникация технологиялари

соҳасини янада ривожлантириш бўйича қабул қилинган ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш ишларини ташкил этиш;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, улардан мақсадли ва самарали фойдаланиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича комплекс ташкилий-техник чора-тадбирларни ушбу Низомга илова қилинган Схема асосида ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

интеграция жараёнларга амалий кўмаклашиш ва Вазирлар Маҳкамаси аппарати ахборот тизимларининг бошқа ахборот тизимлари билан, жумладан, “Электрон Хукумат” тизимини амалга ошириш доирасида – Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси ва Сенати, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ахборот тизимлари билан ўзаро алоқасини таъминлаш ишларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувига рақамли иқтисодиёт, электрон хукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 13 декабрдаги ПФ-5598-сон фармони талабларини ҳисобга олган ҳолда мувофиқлаштириш ва ташкил этиш;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратида иш ўринларини компьютер техникалари ва телекоммуникация ускуналари билан техник таъминлашни кучайтириш юзасидан таклифларни ҳамда компьютер техникалари, коммутация воситалари ва тармоқ ускуналарини модернизация қилиш, алмаштириш, фойдаланишдан чиқариш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратида қўлланилаётган мавжуд ахборот тизимлари, моделлар, жараёнлар ва ахборот технологияларини таҳлил қилиш ва экспертизадан ўтказиш;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратида қарор қабул қилиш жараёнларини таҳлил қилиш, бошқарув жараёнларининг функционал моделини, ташкилий-техник ва бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнларига татбиқ этишга мўлжалланган янги ахборот тизимлари, уларнинг қуи тизимлари ва амалий дастурлар учун талабларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ-4022-сон қарорида белгиланган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратида ахборот тизимлари ва ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида ходимларнинг малакасини ва касбий даражасини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, услубий ва техник ҳужжатлар, йўриқномалар, ўргатувчи дастурларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

Вазирлар Маҳкамаси аппарати таркибий бўлинмалари мутахассисларининг тармоқ ахборот ресурсларидан, жумладан, Интернет тармоғи ресурсларидан мақсадли ва самарали фойдаланишга доир фаолиятини мувофиқлаштириш;

лицензион дастурий таъминот, очиқ кодли дастурий воситаларни жорий этиш ва қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратида компьютер техникаларига, тармоқ ускуналарига, тармоқланган кабель тизимиға, ахборот тизимларига ўз вақтида ва сифатли хизмат кўрсатиш ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

Вазирлар Маҳкамаси аппарати ахборот тизимлари ва ресурсларининг хавфсизлигига қарши қаратилган, уларнинг нормал ишлаши ва ривожланишини бўзишга олиб келувчи таҳдидларни башорат қилиш, уларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратида маълумотлар ва ахборот ресурсларини рухсат этилмаган киришлардан ҳимоялаш, шунингдек, конфиденциал маълумотлар чиқиб кетишининг олдини олиш бўйича чораларни амалга ошириш.

6. Бўлим юкланган вазифаларни бажариш учун қўйидаги функцияларни амалга оширади:

Вазирлар Маҳкамаси аппаратида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ривожлантириш ва такомиллаштириш ишларини ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг давлат устувор йўналишларидан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон Фармони талабларидан келиб чиқсан холда мувофиқлаштиради;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг ахборот тизимлари ва ресурсларини яратиш бўйича техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш жараёнида иштирок этади;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратида замонавий ахборот ва телекоммуникация инфратузилмасини шакллантириш, мавжуд маълумотлар базалари, дастурий маҳсулотлар, коммуникация тармоқлари ва ускуналари, ахборот тизимлари ва ресурсларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш ҳамда янгиларини лойиҳалаштириш, яратиш, ўрнатиш, синовдан ўтказиш ва жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш масалалари бўйича Вазирлар Маҳкамаси аппарати раҳбариятига қўриб чиқиш учун киритиладиган таҳлилий, маълумот тариқасидаги ва бошқа материалларни тайёрлайди;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратида ахборот тизимлари ва уларнинг қуий тизимларини такомиллаштириш ва жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратида маълумотлар базаларини яратиш ва юритиш, электрон иш юритиш, хужжат айланиши ва Ҳукумат қарорларини қабул қилиш жараёнларини маълумотлар билан таъминлашнинг ягона тизимини шакллантириш масалаларида услубий раҳбарликни таъминлайди;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринbosарлари ва маслаҳатчилари томонидан олиб бориладиган мажлис ва йиғилишларни ўтказишида ахборотлаштириш масалаларида техник қўмаклашишини таъминлайди;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратида компьютер техникалари, тармоқ ускуналари ва дастурий маҳсулотларнинг тизимли равишида ҳисобини юритади ва хатловдан ўтказади;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг компьютер тизимлари, ахборот ва тармоқ ресурслари фойдаланувчилари учун ахборот хавфсизлиги соҳасида ўқув дастурлари ишлаб чиқади ва қисқа муддатли курслар, семинарлар, инструктажлар ташкил этади;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари томонидан компьютер ва ахборот тизимлари, тармоқ ахборот ресурсларидан, жумладан, Интернет тармоғи ресурсларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш ҳолати юзасидан назорат ҳамда мунтазам мониторинг олиб боришни таъминлайди;

Вазирлар Маҳкамаси аппарати ахборот ресурсларининг таснифланишини ва ахборот хавфсизлиги бўйича норматив-хуқуқий хужжатлар, стандартлар ва тартибларга асосан уларнинг яхлитлиги назоратини таъминлайди;

корпоратив ахборот муҳитида маълумотларни ҳимоя қилиш тизимини, жумладан, электрон рақамли имзо ва ахборотларни шифрлаш воситаларини жорий этиш ишларини мувофиқлаштиради;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратида фойдаланилаётган тизимли ва амалий дастурий таъминотни, ахборот ресурсларини ва аппарат воситаларини ҳимоя қилиш ишларини ташкил этади.

Бўлим белгиланган тартибда ўзига юклangan бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

3-боб. Бўлимнинг хуқуқлари ва жавобгарлиги

7. Бўлим ўзига юклangan вазифалар ва функцияларни бажариш учун куйидаги хуқуқларга эга:

Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият

органлари, бошқа органлар ва ташкилотлардан материаллар ҳамда маълумотларни белгиланган тартибда олиш ва сўраш;

Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг топшириғига асосан Бўлим юритадиган соҳага тааллуқли масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотларнинг мажлис ва йигилишларида иштирок этиш;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва такомиллаштириш масалаларини ўрганиб чиқиши ҳамда ахборот тизимларини ривожлантириш ва интеграциялаш юзасидан таклифлар тайёrlаш мақсадида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари ва ходимларини, зарурат бўлганда, ўрнатилган тартибда жалб қилиш, бу мақсадларда ишчи гурухларини ташкил этиш;

Бўлимнинг зарур материаллар ва маълумотлар тақдим этиш бўйича талаблари, агар Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчилари, Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг топширикларида бажаришнинг бошқа муддатлари белгиланмаган бўлса, Бўлим белгилаган муддатларда бажарилиши шарт.

8. Бўлим:

ўзига юкланган вазифаларнинг тегишли даражада ва самарали бажарилишини;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратида ишлатилаётган компьютер ва ахборот тизимлари, тармоқ ускуналари ва дастурий маҳсулотларга хизмат кўрсатиш ва уларнинг ишлаш сифатини;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қонунчилик хужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон, "Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик вазифалари амалга оширилиши самарадорлиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъулиятини оширишга доир биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида" 2019 йил 28 январдаги ПФ-5644-сон, "Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясини ташкил этиш тўғрисида" 2018 йил 26 августдаги ПФ-5519-сон фармонларига, "Ijro.gov.uz" ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўреатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон, "Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ишини ташкил этишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида" 2019 йил 28 январдаги ПҚ-4136-сон қарорларига ва Вазирлар

Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизоми мустаҳкамланиши;

Вазирлар Маҳкамаси раҳбариятига ахборот бериш учун материаллар ва ҳужжатлар белгиланган муддатларда тайёрланишини таъминлашга жавоб беради.

4-боб. Бўлимнинг тузилмаси

9. Бўлимнинг тузилмасига:

Бўлим мудири (Вазирлар Маҳкамаси аппаратида ахборот тизимлари ва ресурсларини жорий этиш ва ривожлантириш масалалари);

Вазирлар Маҳкамаси аппаратида компьютер тизимларини, тармоқ ускуналарини ва маълумотлар базасини тизимли бошқариш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича бош мутахассис киради.

Бўлим тузилмасига битта Иш юритиш ва маълумотлар базаларининг фаоллигини таъминлаш масалалари бўйича инспектор киради.

Бўлим тузилмаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

10. Бўлим ишларига Бўлим мудири раҳбарлик қиласи.

11. Бўлим мудири, мутахассислари ва инспектор белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

5-боб. Бўлим фаолиятини ташкил этиш

12. Бўлим ишлари “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати тўғрисидаги низом, ушбу Низомга, Вазирлар Маҳкамаси аппаратида Иш юритиш бўйича йўриқномага, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, унинг ўринbosарлари ва маслаҳатчиларининг топшириқлари, Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг буйруқлари ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг ва Бўлимнинг иш режалари, Бўлим мудири ва мутахассисларнинг шахсий иш режалари асосида ташкил этилади.

Бўлимнинг иш режаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати томонидан тасдиқланадиган Вазирлар Маҳкамаси иш режаси асосида ярим йиллик учун шакллантирилади.

Бўлимнинг иш режаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси томонидан тасдиқланади.

Бўлим мудирининг шахсий иш режаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси томонидан тасдиқланади.

Мутахассисларнинг шахсий иш режаларини Бўлим мудири тасдиқлайди.

13. Бўлим мудири (Вазирлар Маҳкамаси аппаратида ахборот тизимлари ва ресурсларини жорий этиш ва ривожлантириш масалалари):

Бўлим ишига бевосита раҳбарлик қилади, мутахассислар ишини ташкил этади ва Бўлимга юкланган вазифалар ҳамда функцияларнинг бажарилиши, ижро интизомининг ҳолати учун тўлиқ жавоб беради;

Вазирлар Маҳкамаси аппарати ахборот тизимлари ва ресурслари, компьютер тизимлари, серверлари, тармоқ ускуналари, тизимли ва амалий дастурий маҳсулотлари, маълумотлар базаларининг барқарор ва узлуксиз ишлашини таъминлаш юзасидан чоралар кўради;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг ахборот хавфсизлиги сиёсатини амалга ошириш ҳамда компьютер ва ахборот тизимлари, ресурслари, маълумотлар узатиш тармоқларини комплекс ҳимоя қилишни таъминлаш юзасидан чоралар кўради;

Вазирлар Маҳкамаси аппарати таркибий бўлинмалари ходимлари томонидан ахборот тизимлари ва ресурсларидан фойдаланиш ҳолати бўйича режали ва режадан ташқари ўрганишларни ташкил этади;

ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш бўйича норматив-хуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиши, ахборот тизимларини интеграция қилиши, такомиллаштириш юзасидан ишларни ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

ички ахборот ресурсларига маълумотларнинг жойлаштирилишини ва уларнинг мазмундорлик жиҳатдан тўлиқ бўлишини таъминлайди ҳамда назорат қилади;

маълумотлар базаларини архивлашни назорат қилади, маълумотлар базаларининг архив нусхалари ва конфигурацион маълумотларнинг сақланишини таъминлайди; зарур ресурслар (хотира, фойдаланиш хуқуқи)ни тақсимлаш бўйича ишларни мувофиқлаштиради;

ахборот тизимлари ишлашида узилишлар сабабларини таҳлил этади, уларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича ишларни мувофиқлаштиради;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратида умумлаштирилган статистик ахборотларни қайта ишлаш бўйича янги ахборот технологияларини жорий қилиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади ва ушбу жараёнда услубий раҳбарликни таъминлайди;

компьютер техникалари, жорий этилаётган янги дастурлар, ахборот тизимларида, шунингдек, Интернет тармоғида ишлаш бўйича Вазирлар Маҳкамаси аппарати ходимларининг кўнгилмаларини ошириш юзасидан ишларни ташкил этади ва мувофиқлаштиради.

Бўлим мутахассислари ўртасида хизмат вазифалари тақсимотини ишлаб чиқади ва Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисига тасдиқлаш учун киритади, уларнинг ишини мувофиқлаштиради, Бўлимда етарли даражада ижро интизомини таъминлайди ҳамда иш юритишни Вазирлар Маҳкамаси аппаратида Иш юритиш бўйича йўриқномага мувофиқ ташкил этади;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчилари ўтказадиган йиғилишларда, Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси томонидан Бўлим юритадиган соҳага тааллуқли масалалар юзасидан ўтказиладиган йиғилишларда иштирок этади;

Бўлимнинг кадрлар захирасини яратиш ва янгилаб бориш, кадрлар захирасига олинган шахслар билан тизимли ишлашни ташкил этишини таъминлайди;

Бўлим ишларини такомиллаштириш, мутахассисларнинг иш малакасини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисига Бўлим ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш, уларнинг малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ҳамда жазолаш тўғрисидаги таклифларни пухта ишлаб чиқади ва тақдим этади;

Бўлим мутахассислари ва ходимлари ўртасида вазифалар тақсимотини ишлаб чиқади ва Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисига тасдиқлашга, шунингдек, Бўлимнинг ярим йиллик иш режаси лойиҳасини келишишга киритади, Бўлим мутахассислари иш режаларини тасдиқлайди;

Бўлим юритадиган соҳага тааллуқли масалалар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига киритилган хат-хабарлар ва ҳужжат лойиҳаларининг ҳар томонлама кўриб чиқилишини таъминлайди, тайёрланган лойиҳаларни имзолайди ва ўрнатилган тартибда тақдим этади;

чиқувчи хат-хабарларни имзолайди.

14. Бўлим мудири вақтинча бўлмаганда, унинг вазифасини Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси розилиги билан бош мутахassis сбажаради.

15. Вазирлар Маҳкамаси аппаратида компьютер тизимларини, тармоқ ускуналарини ва маълумотлар базасини тизимли бошқариш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича бош мутахassis:

тизимли дастурий таъминот, операцион тизимлар ва почта инфратузилмасини ўрнатади ва бошқаради;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратида компьютер ва ахборот тизимлари ва ресурслари, маълумотларни узатиш тармоқларини комплекс ҳимоя қилишни ва ахборот хавфсизлиги сиёсатининг амалга оширилишини таъминлайди;

аппарат, техник, дастурий-техник воситалар, криптографик тизимлар ва бошқа ахборотларни ҳимоя қилиш воситаларининг ишлаш ҳолатини таҳлил қилиш ва мониторингини, шунингдек, ахборотларни ҳимоялаш техник ускуналари ва воситаларининг ишчанлигини таъминлаш бўйича профилактика ишларини амалга оширади;

назорат воситаларидан самарали фойдаланиш, ҳимояланадиган ахборот тизимлари ва ресурслари маълумотларининг конфиденциаллигига таҳдидларни аниқлаш, уларнинг яхлитлиги ва фойдаланувчанлиги бўйича чоралар ишлаб чиқади;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратида ахборотлаштириш обьектларини ўрганишда, уларни аттестациядан ўтказиш ва тоифасини белгилашда қатнашади;

Вазирлар Маҳкамаси аппарати ахборот тизимлари ва ресурсларидаги таҳдидларни ва заиф нуқталарни аниқлаш бўйича таҳлилий ишларни ташкил этади ва амалга оширади;

ахборот тизимлари ҳамда ресурсларига хизмат кўрсатувчи техник ходимлар ва улардан фойдаланувчиларнинг иш ўринларини ташкил этишда эргонометрик талаблар, ишлаб чиқариш-санитария нормаларига риоя этилишини таъминлайди;

компьютер тармоғи дастурий-техник воситаларининг фойдаланиш ва ишлаш кўрсаткичларини жамлайди ва таҳлил қиласди;

тармоқ инфратузилмасини такомиллаштириш, ускуналар ва дастурий воситаларни янгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва киритади;

ахборотни ҳимоя қилиш ишларини тартибга солувчи норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек, услубий ҳужжатларни ишлаб чиқади;

ахборотларни ҳимоя қилувчи аппарат-техник ва дастурий-математик воситаларга бўлган эҳтиёж тўғрисида раҳбариятга материаллар тайёрлайди;

ахборот тизимларини интеграциялаш жараёнида ахборот хавфсизлиги талабларини ишлаб чиқади ва уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

ахборот тизимлари ва ресурсларидан фойдаланишда Вазирлар Маҳкамаси аппарати ходимларини маълумотларни ҳимоя қилишининг замонавий усуллари, ахборот хавфсизлигини таъминлаш воситалари билан таништиради, улар билан инструктаж ва якка тартибда сухбатлар олиб боради.

16. Иш юритиш ва маълумотлар базаларининг фаоллигини таъминлаш масалалари бўйича инспектор:

Бўлимда иш юритишни, ҳужжатларнинг кўриб чиқилишининг назоратини, жилдларни архивда сақлаш учун тайёрлаш ва ўз вақтида киритишни таъминлайди;

компьютерларга операцион тизимлар, тизимли дастурий таъминот, амалий ва ҳимоя дастурларининг ўрнатилишини таъминлайди;

компьютер техникалари, периферия қурилмаларини даврий хатловдан ва синов тестларидан ўтказиш ҳамда уларнинг ишга туширилишини таъминлайди;

компьютер техникалари ва периферия қурилмаларини таъмирлаш, уларга сервис ва режали профилактика хизматлари кўрсатилишини ташкил этади ҳамда уларнинг узлуксиз ва барқарор ишлашини таъминлайди;

маълумотлар базаларида ахборотларнинг мунтазам янгиланиб борилишини ҳамда уларнинг узлуксиз, барқарор ва фаол ишлашини таъминлайди;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратида компьютер техникалари ва периферия қурилмаларидан самарали ва мақсадли фойдаланиш ҳолати бўйича мониторинг олиб боради, мунтазам равишда (ҳар ҳафта, ҳар ой) Бўлим бошлиғига ахборот киритиб боради;

ходимларнинг компьютер техникалари ва ахборот тизимларида самарали ишлаши, иш жараёнида ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича инструктаж ва тушунтириш ишларини олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
аппаратининг Ахборот-коммуникация
технологияларини жорий этиш бўлими тўғрисидаги
низомга илова

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратида ахборот-коммуникация
технологияларини жорий этиш, улардан мақсадли ва самарали фойдаланиш, ахборот хавфсизлигини
таъминлаш бўйича комплекс ташкилий-техник чораларни амалга ошириш
СХЕМАСИ

Вазифалар	Вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари ва боскичлари	Масъуллар	Муддатлар
I. Компьютер техникалари, тармоқ ва периферия курилмалари, ахборот тизимлари, маълумотларни узатиш тармоқларининг барқарор ва узлуксиз ишлишини таъминлаш, ахборот- коммуникация инфратузилмасини ва АҚТ соҳасида норматив-хуқуқий базани такомиллаштириш	<p>1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратида компьютер ва ахборот тизимлари, серверлар, маълумотлар базаларининг, локал-хисоблаш тармоги (ЛХТ) ҳамда Интернет тармогининг барқарор ва узлуксиз ишлишини таъминлаш.</p> <p>2. Маълумотларни қайта ишлиш, саклаш ва узатиш техник воситаларини хатловдан ўтказиши.</p> <p>3. Компьютер ва ташкилий техника, сервер ва тармоқ ускуналари паркини янгилаш.</p> <p>4. Вазирлар Маҳкамаси аппаратида ахборот тизимларини жорий килиш, дастурий маҳсулотларнинг лицензион шаффоғлигини таъминлаш, очик кодли дастурий маҳсулотлардан фойдаланиш бўйича таклифлар киритиши.</p> <p>5. Вазирлар Маҳкамаси аппаратида жорий этилган, тажомиллаштирилётган ахборот ва компьютер тизимларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича тегишли норматив ва техник хужжатлар, талабларни ишлаб чиқиши.</p>	Ахборот- коммуникация технологияларини жорий этиш бўлими (АҚТ бўлими)	Мунтазам равища
II. Вазирлар Маҳкамаси аппарати ходимлари томонидан мутасаддиллик килинадиган иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва республика худудлари бўйича шахсий маълумотлар банкларини шакллантириш учун шароитлар яратиш	<p>1. Вазирлар Маҳкамаси аппарати таркибий бўлинмалари ходимларининг марказлаштирилган маълумотлар банкини серверларда шакллантириш, ушбу мақсадида тегишли ресурсларни ажратиши.</p> <p>2. Вазирлар Маҳкамаси аппарати таркибий бўлинмалари раҳбар ва масъул ходимлари томонидан АҚТдан фойдаланиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва республика худудлари бўйича шахсий маълумотлар банкларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш самарадорлиги ҳолатини ўрганиш ва баҳолаш.</p> <p>3. Вазирлар Маҳкамаси аппарати ходимларини долзарб ва тезкор ахборотлар билан таъминлаш бўйича шароитлар яратиб бориш.</p>	АҚТ бўлими Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	Мунтазам равища
		АҚТ бўлими	Мунтазам равища
		АҚТ бўлими Таркибий бўлинмалар	Тасдиқланган график асосида
		АҚТ бўлими	Мунтазам равища

Вазифалар	Вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари ва босқичлари	Масъуллар	Муддатлар
<p>III. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорларида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқсан холда, Вазирлар Махкамаси аппаратида ахборот тизимларини янада такомиллаштириш ва ахборот ресурсларини шакллантириш, таркибий бўлинмаларнинг раҳбар ва масъул ходимлари иш самарадорлигини ва натижадорлигини ошириб бориш</p>	<p>1. Вазирлар Махкамаси аппаратида "Jg.gov.uz" ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш, мазкур тизимда конунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириклари ижросини назорат килиш бўйича ишларни тизимли равиша олиб бориш юзасидан ташкилий, техник ва технологик чора-тадбирларни амалга ошириш.</p> <p>2. Вазирлар Махкамаси аппаратида ахборот тизимларини "Электрон хукумат" тизимидағи ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари маълумотлар базаларига интеграция килиш бўйича таҳлилий ўрганишлар ўтказиш ва таклифлар ишлаб чиқиши.</p> <p>3. Вазирлар Махкамаси аппаратида электрон хужжат айланиш (ЭХА) тизимини такомиллаштириши: ички ЭХА тизимидан мақсадли ва самарали фойдаланишини таъминлаш; идоралараро электрон тизимларни Вазирлар Махкамаси аппаратининг ички ахборот тизимлари билан интеграция килиб бориш.</p> <p>4. Вазирлар Махкамаси аппаратида ишларнинг барқарор ва узлуксиз таъминланиши ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича (карантин, фавқулодда ҳолатларни хисобга олган холда) таклифлар ишлаб чиқиши, амалий ишларни олиб бориш.</p>	<p>АКТ бўлими, таркибий бўлинмалар</p>	<p>Мунтазам равища</p>
<p>IV. Вазирлар Махкамаси аппаратида ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва унинг механизмларини такомиллаштириш</p>	<p>1. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш: ахборотларни комплекс химоя килиш ҳамда хавфсизлик мониторинги тизимини такомиллаштириш бўйича таклиф ишлаб чиқиши ва тегишли тадбирларни амалга ошириб бориш; ахборот хавфсизлиги бўйича таркибий бўлинмалар мутахассисларининг малакасини ошириб бориш.</p> <p>2. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича техник ва дастурй-техник чора-тадбирларни амалга ошириши: локал тармоқларнинг самарали ишлashingи, сервер ва коммутация курилмаларининг узлуксиз фаолиятини таъминлаш мақсадида профилактика ишларини ташкил этиши; ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича зарур техник, технологик ва дастурй воситаларни ўрнатиш, уларнинг узлуксиз ишлashingи таъминлаш; компьютер ва ахборот тизимларидан фойдаланишда давлат стандартлари ва хавфсизлик талабларига амал килинишини таъминлаш, доимий назорат олиб бориш.</p>	<p>АКТ бўлими</p>	<p>Мунтазам равища</p>
<p>V. АКТ соҳасида ҳодимларнинг касбий даражаси ва малакасини ошириш</p>	<p>1. Компьютер саводхонлиги ва АКТ соҳасида Вазирлар Махкамаси аппарати ҳодимларининг малакасини ошириш бўйича киска муддатли курслар, семинарлар ташкил этиши, инструктажлар ўтказиш.</p> <p>2. Вазирлар Махкамаси аппаратига янги ишга қабул килинган ҳодимлар учун стажировкалар ташкил этиши, АКТ соҳасида уларнинг малакаси ва билим даражасини ошириб бориш.</p> <p>3. Вазирлар Махкамаси аппаратида ахборот тизимлари ва ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича услубий ва техник хужжатлар, йўрикномалар, ўқув дастурларини ишлаб чиқиши.</p>	<p>АКТ бўлими, Кадрлар бўлими, Таркибий бўлинмалар</p> <p>АКТ бўлими, Кадрлар бўлими</p> <p>АКТ бўлими</p>	<p>Мунтазам равища</p> <p>Мунтазам равища</p> <p>Мунтазам равища</p>

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 3 августдаги 488-сон қарорига
4-илова

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг
Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини
кўриб чиқиши бўлими тўғрисидаги
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши бўлими (кейинги ўринларда бўлим деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг (кейинги ўринларда Вазирлар Маҳкамаси аппарати деб аталади) таркибий бўлинмаси ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига келиб тушган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқилишини таъминлайди.

2. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек ушбу Низомга амал қиласди.

3. Бўлим ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири раҳбарлигига амалга оширади.

Бўлим Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчисига бўйсунади.

4. “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Бўлим ўз фаолиятига боғлиқ масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси, давлат ва хўжалик бошқарувчи органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

2-боб. Бўлимнинг асосий вазифалари ва функциялари

5. Куйидагилар Бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:
халқ билан тўғридан-тўғри мулокот ўрнатиш ва инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳаққоний химоя қилишни

таъминлаш орқали “инсон манфаати - ҳамма нарсадан юқоридир” деган тамойилнинг ҳаётга амалий татбиқ қилинишини таъминлаш;

“халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак” деган асосий тамойилни ўз вақтида, аниқ ва тўлиқ ҳажмда амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2016 йил 28 декабрдаги ПФ-4904-сон Фармонига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг Вазирлар Маҳкамасига, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси орқали келиб тушган ҳамда Вазирлар Маҳкамаси аппарати таркибий бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ кўриб чиқиладиган оғзаки, ёзма ва электрон мурожаатлари билан ишлашни ташкиллаштириш;

жойларда “халқ билан мулоқот қилиш” ва шахсий учрашувлар ўтказиш амалиётини такомиллаштириш асосида Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти ва Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмаларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш масалалари бўйича маслаҳатчисининг бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан ҳамкорликда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқилишининг самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқилиши масалаларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш;

жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг шахсий, сайдер ва оммавий қабулларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинма раҳбарлари ҳамда мутахассислари томонидан, зарур бўлган ҳолларда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари вакилларини жалб этиш орқали ўз вақтида ташкиллаштириш;

Вазирлар Маҳкамаси, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига келиб тушган оғзаки, ёзма ва электрон мурожаатлар билан ишлаш юзасидан мазкур Низомнинг 1 ва 2-иловасидаги схемалар асосида мониторинг ва таҳлилни олиб бориш;

Вазирлар Маҳкамасига келиб тушган ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига кўриб

чиқиши учун юборилган, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмаларига кўриб чиқиши учун берилган оғзаки, ёзма ва электрон мурожаатларнинг кўриб чиқилиши юзасидан назоратни юритиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг оғзаки, ёзма ва электрон мурожаатларини кўриб чиқиши масалалари бўйича қонунчиликни такомиллаштириш тўғрисида таклифлар киритиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан мазкур Низомнинг З-иловасидаги схемага асосан ишлашни такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг раҳбариятига тақдим қилиш;

Вазирлар Маҳкамасига гурух бўлиб келган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси биносига келган ва масалалари юзасидан Вазирлар Маҳкамасига йўналтирилган жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини мазкур Низомнинг 4-иловасидаги схемага асосан тезкорлик билан қабул қилишни ташкил этиш.

6. Бўлим ўзига юкланган ваиловзифаларни бажариш учун куйидаги функцияларни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2016 йил 28 декабрдаги ПФ-4904-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамасига келиб тушган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси орқали келиб тушган жисмоний ва юридик шахсларнинг оғзаки, ёзма ва электрон мурожаатларини қабул қиласди, рўйхатдан ўтказади ҳамда ҳисобини юритади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқади ва уларда кўтарилилган масалаларни ҳал этиш бўйича таклифлар тайёрлайди, Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига, бошқа давлат органлари ва ташкилотларига мурожаатларни кўриб чиқиши ва чоралар кўриш учун юборади, уларни ўз вақтида кўриб чиқилишини назорат қиласди, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг ваколатига кўриб чиқиши кирмайдиган масалалар бўйича жисмоний ва юридик шахслардан тушган мурожаатларни тегишли давлат органларига, бошқа ташкилотларга ва мансабдор шахсларга белгиланган тартибда юборади;

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини шахсий қабулини амалга оширади, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчилари, Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси томонидан шахсий, сайёр ва оммавий қабул қилинишини ташкил этади;

жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш бўйича таҳлилий, маълумотнома материаллари ва бошقا материалларни Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарлари, Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг кўриб чиқиши учун тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2016 йил 28 декабрдаги ПФ-4904-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг ҳолати тўғрисида ҳар чорак якунлари бўйича ҳисоботлар тайёрланишини ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига тақдим этилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринbosарлари ва маслаҳатчилари томонидан ўtkaziladigan йифилишларга материалларни тайёрлашда ва уларда қабул қилинган қарорларни расмийлаштиришда Бўлимнинг ваколатига тегишли масалалар бўйича иштирок этади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини такомиллаштириш учун оммавий ахборот воситалари ҳамда бошқа манбалардаги, шу жумладан жойига чиқсан ҳолда жамоатчилик фикрини ўрганади;

Вазирлар Маҳкамасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш масалалари бўйича тизимлаштирилган маълумотлар базасини яратишни ва юритишни таъминлайди;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг жисмоний ва юридик шахсларнинг ёзма, оғзаки ва электрон мурожаатлари билан ишлаши юзасидан мониторинг олиб боради;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни такомиллаштириш бўйича методик тавсияномалар ва таклифлар ишлаб чиқади;

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашда амалдаги қонун хужжатлари талабларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга оширади;

Бўлим ваколатига тегишли масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қарорлари ижроси назоратини таъминлайди ҳамда қарорлар ва топшириқлар бажарилишининг бориши тўғрисида раҳбариятга мунтазам равища ахборот берив боради;

таркибий бўлинмалар масъул ходимларининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича электрон маълумотлар базасини шакллантириб боради ва такомиллаштиради;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида статистик маълумотларни олиб боради, ҳар чорак якунлари бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини умумлаштиради ва таҳлил қиласи, умумлаштириш ва таҳлил натижалари бўйича маълумотнома тайёрлайди, Вазирлар Маҳкамаси Раёсатига муҳокама қилиш учун киритади, маълумотномада мурожаатлар билан ишлаш бўйича умумий қўрсаткичлар, мурожаатларда энг кўп кўтарилиган масалалар, мурожаатларни кўриб чиқиш якунлари бўйича аниқланган хато ва камчиликлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига, шунингдек давлат ва жамият манфаатларига зарар етказилишини келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этиш мақсадида кўриладиган чоралар акс этади;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Бош вазирнинг ўринbosарлари ва маслаҳатчилари томонидан жойларда ўтказилган сайёр шахсий қабулларда берилган топшириқларни вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шахри ҳокимликларида бажарилиши юзасидан назорат олиб боради;

Вазирликлар ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимиият органларининг мурожаатлар билан ишлаш масаласига масъул ходимларнинг малакасини ошириш бўйича стажировкадан ўтказади ва уларга амалий ёрдам қўрсатади;

Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг баёнларида берилган топшириқларнинг бажарилиши ҳақидаги ҳужжатларни таркибий бўлинмалар билан биргаликда тегишли вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимиият органларидан олади, уларни таҳлил қиласи ва натижалари тўғрисидаги маълумотларни Вазирлар Маҳкамаси аппарати раҳбариятига киритади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси биносига келган ва масалалари юзасидан Вазирлар Маҳкамасига йўналтирилган жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш ва мурожаатларини кўриб чиқиш натижалари бўйича тегишли таркибий бўлинмалар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Халқ қабулхонасига дастлабки ва келгусида якуний маълумот берив боради;

Вазирлар Маҳкамасига гурӯҳ бўлиб келган жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини таркибий бўлинмалар раҳбарлари томонидан шахсан қабул қилинишини ва қабул натижалари бўйича шу куннинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига ахборот киритилишини ташкиллаштиради;

Вазирлар Маҳкамасининг Биринчи бўлими билан биргаликда таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимлари томонидан жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилишда белгиланган тартибда хавфсизлик қоидаларига амал қилинишини таъминлайди;

Зарур ҳолларда, тегишли таркибий бўлинма билан биргаликда гурух бўлиб келган фуқароларни уларнинг мурожаатлари кўриб чиқилганидан сўнг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан келишиб, ўз ҳудудларига уюшган ҳолда қайтариш чораларини кўради.

Бўлим белгиланган тартибда ўзига юкланган бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

3-боб. Бўлимнинг хуқуқлари ва жавобгарлиги

7. Бўлим ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйидаги хуқуқларга эга:

зарур бўлган материаллар ва маълумотларни белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамаси аппарати таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларидан, бошқа органлар ва ташкилотлардан сўраш ва олиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни такомиллаштириш ва унинг натижадорлигини ошириш мақсадида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа органлар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмаларида, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, маҳаллий ижро ҳокимияти органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши бўйича ишларнинг аҳволини ўрганиш;

Вазирлар Маҳкамаси раҳбариятининг топшириғига биноан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг Бўлим ваколатига тегишли масалалар бўйича мажлис ва йиғилишларида иштирок этиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларида баён қилинган ҳолатларнинг ҳаққонийлигини аниклаш учун, зарур бўлган ҳолларда, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мансабдор шахсларини жалб этиш, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини жойга чиқсан ҳолда кўриб чиқиши;

зарурат бўлганда, “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти, Вазирлар Маҳкамаси аппаратида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги низом талаблари бузилган ҳолда тушган хужжатларни қайтариб юбориш;

Бўлимнинг зарур материалларни ва маълумотларни тақдим этиши бўйича талаблари, агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг,

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг топшириқларида бажаришнинг бошқа муддатлари белгиланмаган бўлса, Бўлим томонидан белгилаган муддатларда бажарилиши керак.

8. Бўлим:

Ўзига юкланган вазифаларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши;

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Вазирлар Маҳкамаси аппаратида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Низом талабларига риоя этилишини таъминлаш;

Вазирлар Маҳкамасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг натижадорлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик хужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокиммилклар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида”ги 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон қарорларига, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизомига сўзсиз риоя этилиши;

Вазирлар Маҳкамаси раҳбариятига ахборот бериш учун ҳужжатлар ва материалларни ўз вақтида ва сифатли тайёрланиши учун жавоб беради.

4-боб. Бўлимнинг тузилмаси

9. Бўлимнинг тузилмасига Бўлим мудири, шунингдек:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратига тушган мурожаатларни кўриб чиқиш ва назорат қилиш масалалари бўйича бош мутахассис;

вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмаларида ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида мурожаатларни кўриб чиқиш ва назорат қилиш масалалари бўйича бош мутахассис;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатларни кўриб чиқиш ва назорат қилиш масалалари бўйича бош мутахассис.

жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш, оғзаки мурожаатларни кўриб чиқиш ва назорат қилиш масалалари бўйича бош мутахассис киради;

Бўлим тузилмасига қўйидаги икки нафар инспектор киради:

иш юритиш бўйича инспектор;

жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратига тушган мурожаатларини рўйхатдан ўтказиш масалалари бўйича инспектор.

Бўлим тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

10. Бўлим ишларига Бўлим мудири раҳбарлик қилади.

11. Бўлим мудири ва мутахассислари белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

5-боб. Бўлим фаолиятини ташкил этиш

12. Бўлим ишлари “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига, ушбу Низомга, Вазирлар Маҳкамаси аппаратида иш юритиш бўйича йўриқномага, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг топшириқларига, Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг буйруқлари ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси ва Бўлимнинг иш режалари асосида ташкил этилади.

Бўлимнинг ярим йиллик иш режаси Вазирлар Маҳкамасининг, унинг Раёсати томонидан тасдиқланган иш режаси асосида шакллантирилади.

Бўлимнинг иш режаси, Бўлим мудирининг шахсий иш режаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси томонидан тасдиқланади.

Бўлим мутахассисларининг шахсий иш режалари бўлим мудири томонидан тасдиқланади.

13. Бўлим мудири:

Бўлимга бевосита раҳбарликни амалга оширади, мутахассислар ишини ташкил қилади ҳамда Бўлимга юкландган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши ва ижро интизомининг аҳволи учун шахсан жавоб беради;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчилари, Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси томонидан жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг шахсий, сайёр ва оммавий қабулларини ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратида, давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқилишининг ҳолати ва натижадорлигини тўғрисида тизимли мониторингини ҳамда маълумотлар базасини шакллантиришни таъминлайди;

зарур бўлган ҳолларда, жисмоний ва юридик шахсларнинг ёзма, оғзаки ва электрон мурожаатларини кўриб чиқиша қатнашиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мансабдор шахсларини жалб этади;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчисига мутахассислар ўртасида функционал вазифаларнинг тақсимотини, шунингдек Бўлимнинг яrim йиллик иш режаси лойиҳасини тасдиқлаш учун киритади, Бўлим мутахассисларининг шахсий иш режаларини тасдиқлайди;

Бўлим мутахассисларининг касбий даражасини ошириш ва ижро интизомини мустаҳкамлаш чораларини таъминлайди;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш натижаларини тушунтириш учун зарур бўлган материаллар ва асосларни сўраб олади;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлислида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчилари ўтказадиган йиғилишларда, Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисида Бўлим ваколати соҳасига кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган йиғилишларда қатнашади;

Бўлимнинг тасдиқланган тузилмасига ва лавозимлар жадвалига мувофиқ лавозимларга номзодлар бўйича таклифларни жиддий ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисига кўриб чиқиш учун киритади, мутахассисларнинг касбий даражасини ва иш малакасини ошириш бўйича чораларни амалга оширади, шунингдек, уларни рағбатлантириш ва уларга танбех бериш бўйича таклифларни киритади;

Вазирлар Маҳкамасига келиб тушган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш учун тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига кўриб чиқиш учун юборади;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратида иш юритиш бўйича Йўриқномага мувофиқ иш юритилишини таъминлайди;

Бўлимдан чиқувчи хат-хабарларни имзолайди.

14. Бўлим мудири вақтинча бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси билан келишилган ҳолда Бўлимнинг бош мутахассисларидан бири бажаради.

15. Вазирлар Маҳкамаси аппаратига тушган мурожаатларни кўриб чиқиш ва назорат қилиш масалалари бўйича бош мутахассис:

Вазирлар Маҳкамаси аппаратига жисмоний ва юридик шахслардан тушган ёзма мурожаатларни расмийлаштириш, хисобга олишни таъминлайди;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратига жисмоний ва юридик шахслардан тушган ёзма мурожаатларни таркибий бўлинмаларга ўз ваколатлари доирасида кўриб чиқиш учун тақсимлайди;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ҳолатини ҳар томонлама таҳлил ва назорат қиласди;

Вазирлар Маҳкамаси аппарати таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари тизимида мурожаатлар билан ишлаш ҳолати ҳамда натижадорлигини шахсий иш режасига мувофиқ ўрганади, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш бўйича уларнинг иш самарадорлигини оширишга доир таклифлар киритади;

материаллар бўйича Бўлим мудирига, шунингдек, белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринbosарлари ва маслаҳатчилари, Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисига ахборот беради;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратига тушган ёзма мурожаатлар бўйича функционал масалалар ва хужжатларга мувофиқ тизимлаштирилган маълумотлар базасини шакллантиради ҳамда унинг мунтазам тўлдирилиб, янгилаб борилишини таъминлайди;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмаларида мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича умумлаштирилган материалларни Вазирлар Маҳкамаси Раёсатида муҳокама этиш учун ҳар чоракда тайёрлайди;

материалларнинг ўз вақтида сифатли ва ҳаққоний тайёрланиши ҳамда топшириқлар бажарилишининг назоратини таъминлаш учун шахсан жавоб беради;

вазифалар тақсимотига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

16. Вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида мурожаатларни кўриб чиқиш ва назорат қилиш масалалари бўйича бош мутахассис:

жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларини қабул қиласди, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринbosарлари ва маслаҳатчилари, Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси,

шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва мутахассислари томонидан шахсий, сайёр ва оммавий қабулларни ташкил этади;

шахсий иш режасига ёки Вазирлар Маҳкамаси раҳбариятининг топшириғига мувофиқ давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари тизимида мурожаатлар билан ишлаш ҳолати ва натижадорлигини ўрганади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича ишида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва натижадорликни ошириш юзасидан таклифлар киритади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш якунлари бўйича ҳар чораклик ахборотларнинг Вазирлар Маҳкамаси аппаратига тақдим этилишини таъминлайди;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича умумлаштирилган материалларни Вазирлар Маҳкамаси Раёсатида муҳокама этиш учун ҳар чорақда тайёрлайди;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратида жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш бўйича электрон ҳужжат айланиш тизимини яратиш, юритиш ва доимий тақомиллаштириб боришни таъминлайди;

материалларнинг ўз вақтида сифатли ва ҳақоний тайёрланиши ҳамда топшириклар бажарилишининг назоратини таъминлаш учун шахсан жавоб беради;

вазифалар тақсимотига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатларни кўриб чиқиш ва назорат қилиш масалалари бўйича бош мутахассис:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан Вазирлар Маҳкамаси аппаратига тушган жисмоний ва юридик шахсларнинг электрон мурожаатларини расмийлаштириш ва ҳисобга олишни таъминлайди ва Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмаларига ўз ваколатлари доирасида кўриб чиқиш учун тақсимлайди;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг электрон мурожаатларини кўриб чиқиш ҳолатини ҳар томонлама таҳлил ва назорат қиласи;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари тизимида мурожаатлар билан ишлаш ҳолати ҳамда натижадорлигини шахсий иш режасига мувофиқ ўрганади, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш бўйича уларнинг иш самарадорлигини оширишга доир таклифлар киритади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатларни таркибий бўлинмаларда кўриб чиқиш натижалари бўйича умумлаштирилган материалларни Вазирлар Маҳкамаси Раёсатида муҳокама этиш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига тақдим этиш учун ҳар чорақда тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан тушган электрон мурожаатлар бўйича функционал масалалар ва хужжатларга мувофиқ тизимлаштирилган маълумотлар базасини шакллантиради ҳамда унинг мунтазам тўлдирилиб, янгила борилишини таъминлайди;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратида жисмоний ва юридик шахсларнинг электрон мурожаатларини кўриб чиқиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонаси билан доимий ҳамкорлик қиласиди;

материаллар бўйича Бўлим мудирига, шунингдек, белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринbosарлари ва маслаҳатчилари, Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисига ахборот беради;

материалларнинг ўз вақтида сифатли ва ҳаққоний тайёрланиши ҳамда топшириқларни бажарилишининг назоратини таъминлаш учун шахсан жавоб беради;

вазифалар тақсимотига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

17¹. Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш, оғзаки мурожаатларни кўриб чиқиш ва назорат қилиш масалалари бўйича бош мутахассис:

Вазирлар Маҳкамаси аппаратига қабулга келган жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг мурожаатларини расмийлаштириш ва ҳисобга олишни таъминлайди;

жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларини қабул қиласиди, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринbosарлари ва маслаҳатчилари, Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва мутахассисларининг шахсий, сайёр ва оммавий қабулларини ташкил қиласиди;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратига жисмоний ва юридик шахслардан тушган оғзаки мурожаатларни таркибий бўлинмаларга ўз ваколатлари доирасида кўриб чиқиш учун тақсимлайди;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг оғзаки мурожаатларини кўриб чиқиш ҳолатини ҳар томонлама таҳлил ва назорат қиласиди;

жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш ҳамда уларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш натижалари тўғрисида Бўлим мудирига, шунингдек, белгиланган тартибда Ўзбекистон

Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчилари, Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисига ахборот беради;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратида жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш тизимини такомиллаштириш ва натижадорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритади;

шахсий иш режасига ёки Вазирлар Маҳкамаси раҳбариятининг топшириғига мувофиқ давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари тизимида мурожаатлар билан ишлаш ҳолати ва натижадорлигини ўрганади;

материалларнинг ўз вақтида сифатли ва ҳаққоний тайёрланиши ҳамда топшириқлар бажарилишининг назоратини таъминлаш учун шахсан жавоб беради;

вазифалар тақсимотига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

18. Инспекторлар бўлимда иш юритилишини таъминлайди, мурожаатларни рўйхатга олади, ҳужжатларнинг бўлимдан ўтишини назорат қиласди, ҳужжатлар йиғмажилдларининг тайёрланишини ва архивга сақлаш учун ўз вақтида топширилишини таъминлайёди, ўзларига юклangan бошқа функцияларни бажаради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
аппарати Жисмоний ва юридик шахсларнинг
мурожаатларини кўриб чиқиш бўлими
тўғрисида Низомга
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий
бўлинмаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан
ишланнинг ҳолатини ўрганиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-boskic	Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўлими	Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ҳолатини ўрганиш бўйича Бўлимнинг иш режасига таклифлар киритиш.	Бўлим иш режасини тасдиқлашга кадар
2-boskic	Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўлими	Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмаларнинг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш соҳасидаги фаолиятини ўрганиш юзасидан саволнома ва таҳлилий жадвалларни ишлаб чиқиш.	Бўлим иш режасига мувофиқ
3-boskic	Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўлими, тегишли таркибий бўлинмалар	Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқилиш ҳолатини ўрганиш ва натижалари бўйича таҳлилий маълумотномалар тайёрлаш.	Бўлим иш режасига мувофиқ
4-boskic	Аппарат раҳбарияти, Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўлими	Таҳлилий маълумотномаларни Вазирлар Маҳкамаси аппарати раҳбариятига кўриб чиқиш учун тақдим этиш, таркибий бўлинмаларда ижро этиши учун раҳбариятнинг топширигини тайёрлаш. Вазирлар Маҳкамаси аппарати раҳбариятининг тавсиясига кўра, Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисида ёки селектор йигилишида мурожаатларда кўрсатилган масалаларни кўриб чиқиш учун таклифлар киритиш.	1. Бир хафта муддатда 2. Ҳар чоракда
5-boskic	Таркибий бўлинмалар	Вазирлар Маҳкамаси аппарати раҳбариятининг топширигини таркибий бўлинмаларда мутахассисларнинг иштирокида муҳокама этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишнинг натижадорлигини ошириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар режаларини қабул килиш.	Топшириқда кўрсатилган муддатларда
6-boskic	Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўлими	Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари томонидан қабул қилинган чора-тадбирлар режаларининг бажарилишини назорат килиб бориш.	Тадбирлар режасида кўрсатилган муддатларда

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
аппарати Жисмоний ва юридик шахсларнинг
мурожаатларини кўриб чикиш бўлими
тўғрисида Низомга
2-илова

**Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органларида жисмоний
ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг ҳолатини ўрганиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-bosqich	Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чикиш бўлими	Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чикиш ҳолатини комплекс ёки максадли ўрганиш тадбирлари бўйича Бўлимнинг иш режасига таклифлар киритиш.	Бўлим иш режасини тасдиқлашга қадар
2-bosqich	Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чикиш бўлими	Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чикиш соҳасидаги фаолиятини ўрганиш юзасидан саволнома ва таҳлилий жадвалларни ишлаб чикиш.	Бўлим иш режасига мувофик
3-bosqich	Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чикиш бўлими, Вазирлар Маҳкамаси аппарати таркибий бўлинмалари	Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органларида жисмоний ва юридик шахслардан, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ кабулхоналари ва Виртуал кабулхонасидан тушган мурожаатларни кўриб чикишнинг ҳолатини ўрганиш ва натижалари бўйича куйидагиларда таҳлилий маълумотномаларни тайёрлаш: давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг марказий аппаратлари, худудий бўлинмалари ва идоравий ташкилотларида; вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларнида, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг худудий идораларида;	Бўлим иш режасига мувофик
4-bosqich	Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чикиш бўлими, Вазирлар Маҳкамаси аппарати таркибий бўлинмалари	1. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ҳолатини ўрганиш натижаларини Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлиси ёки селектор йигилишида муҳокама этиш. 2. Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлиси ёки селектор йигилиши баённомасини давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг натижадорлигини ошириш юзасидан тегишли чоралар кўриш учун юбориш.	1. Ҳар чоракда 2. 3 кун муддатда
5-bosqich	давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари	Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлиси ёки селектор йигилиши баённомасини тегишли чора-тадбирлар режасини қабул килиш учун муҳокама этиш.	Баённомада кўрсатилган муддатларда
6-bosqich	Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чикиш бўлими, Вазирлар Маҳкамаси аппарати таркибий бўлинмалари	Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари томонидан қабул килинган чора-тадбирлар режаларининг бажарилишини назорат қилиб бориш.	Тадбирлар режасида кўрсатилган муддатларда

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
аппарати Жисмоний ва юридик шахсларнинг
мурожаатларини кўриб чиқиш бўлими
тўғрисида Низомга
3-илова


**Вазирлар Маҳкамаси аппарати таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари,
маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг
мурожаатлари билан ишлашнинг ҳолатини ҳар чоракда кўриб чиқиш**

СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўлими	Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг оғзаки, ёзма ва электрон мурожаатларини кўриб чиқишнинг ҳолати тўғрисида ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига маълумотлар киритиши (жадваллар кўринишида).	Иш режага мувофик
2-босқич	Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўлими	Вазирлар Маҳкамаси аппарати, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатлари кўриб чиқиш бўйича тақдим этилган маълумотлар асосида қўйидагиларда умумлаштирилган таҳлилий материалларни тайёрлаш: Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмаларида; давлат ва хўжалик бошқаруви органларида; вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларида.	15 кун муддатда
3-босқич	Вазирлар Маҳкамаси ва унинг аппарати раҳбарияти, Вазирлар Маҳкамаси аппарати таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари	Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг ҳолатини ва уларда ўтказилган ўрганишлар натижаларни ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлиси ёки селектор йиғилишида мухокама этиш.	Январь, апрель, июль, октябрь
4-босқич	Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти, Вазирлар Маҳкамаси аппарати таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари	Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлиси ёки селектор йиғилиши топширклари баённомасини тайёрлаш ва тасдиқлаш, Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида мухокама этиш ва тегишли чоралар кўриш учун киритиши.	3 кун муддатда
5-босқич	Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўлими, Вазирлар Маҳкамаси аппарати таркибий бўлинмалари	Баённома ва кабул қилинган тадбирлар режасини Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида бажарилишини назорат қилиб бориш.	Баённома ва тадбирлар режасида кўрсатилган муддатларда

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
аппарати Жисмоний ва юридик шахсларнинг
мурожаатларини кўриб чиқиш бўлими
тўғрисида Низомга
4-илова

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига гурух бўлиб келган жисмоний
шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш ва уларнинг
мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича
СХЕМА**



Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 3 августдаги 488-сон қарорига
5-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
деб хисобланётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг функционал бўлимлари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2019 йил 25 мартағи 248-сон қарори.
2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмаси такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2020 йил 23 апрелдаги 250-сон қарорига илованинг 2-банди.

